(4 июн 1990)

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 124 (20. 691) • 1990 йил 1 июнь, жума • Баҳоси 3 тийин.

СССР Президентининг Канадага ташрифи

ОТТАВА, 30 май. (ТАСС махсус мухбирлари). Канада пойтахти давлат ташрифи билан бу ерга келган СССР Президенти М. С. Горбачевни меҳмондўстлик билан кутиб олди. Марказий кўчалар Совет ва Канада байроқлари, совет рамзлари туширилган табрик транспарантлари билан безатилган. Ташриф маҳаллий газеталарда ва телевидение орқали кенг шарҳланмоқда, у ҳақда олий мартабали сиёсатчилар ва оддий канадаликлар гапирмоқдалар. Олий даражадаги Совет — Канада учрашувини ёритиш учун Оттавага кўплаб журналистлар келишди. Матбуот марказининг маълумотларига кўра, жами Канада, Совет Иттифоқи ва яна йигирмата давлатдан 700 га яқин репортёр келган.

Журналистларнинг юмушлари етарли: 29 соатлик ташриф тиғиз программада ўз аксини топган. Аэродромдан келиш биланоқ Совет ва Канада раҳбарларининг учрашувлари ҳамда суҳбатлари бошланди. Кейинги вақтда иккала давлат ўртасидаги сиёсий, амалий, маданий мулоқот тобора кучайиб бормоқда. Совет Иттифоқи билан Канаданинг иқтисодий системалари ва сиёсий анъаналари турлича бўлишига қарамасдан, улар кўпгина умумий жиҳатларга эга. СССР ва Канада Арктикада қўшнидирлар, жўғрофий жиҳатдан кўпгина ўхшашликларга эга. Уларнинг энг муҳим халқаро муаммоларни ҳал этишга ёндашувларида ўхшашлик тобора сезилмоқда. Буларнинг ҳаммаси олий даражадаги учрашувлар чоғида ҳамкорликни чуқурлаштириш ва ўзаро бир фикрга келишни қатъиян тақозо этмоқда.

...Автомобиллар кортежи тошдан ясалган ва бахмал билан ўраб қўйилган чоғроқ бино олдига келиб тўхтайди. Бу Сассекс-драйв кўчаси 24-уйда жойлашган Канада ҳукумат бошлиғининг боргоҳидир. М. С. Горбачев билан Р. М. Горбачевани Канада бош министри Брайан Малруни ва унинг рафиқаси Мила Малруни кутиб оладилар. Улар меҳмонларни норасмий нонуштага таклиф этишган. Боргоҳга кираверишда тўпланган журналистлар совет раҳбарига саволлар ёғдирадилар. Уларни Москвада кейинги вақтда рўй берган сиёсий воқеалар, Канада таассуротлари қизиқтирмоқда. М. С. Горбачев ана шу саволларга жавоб қайтаради.

Навбатдаги учрашув Канада генерал-губернатори Р. Хнатишин билан бўлиб ўтди. Ана шу машҳур сиёсий арбоб, асли украин бўлган канадалик шу йилнинг бошларида амалда давлат бошлиғи (Англия қироличаси Канада давлатининг расмий бошлиғи бўлиб қолмоқда) лавозимини эгаллади. М. С. Горбачев билан Р. Хнатишин ўртасида суҳбат бўлиб ўтди.

Совет делегациясининг катта қисми жойлашган қадимий қасрни эслатувчи «Шато лорье» меҳмонхонаси олдидаги одатдан ташқари гавжумлик шу кунларда Канада пойтахтида катта воқеа содир бўлаётганлигидан далолат беради. Кўпгина канадаликлар совет кишилари билан учрашиш ва гаплашиш фурсатидан фойдаланмоқдалар. «Горбачев улуғвор ишларни амалга оширмоқда, — дейди ТАСС мухбирига Торонто шаҳридан келган кекса канадалик Жон Дюбид. — Сизларнинг мамлакатингизда муаммолар борлигига келсак, улар кимда йўқ?». «Мен Горбачевнинг ҳозирги сафари сингари ташрифлар тез-тез бўлаётганлигидан гоят мамнунман, деб суҳбатга қўшилади меҳмонхонага канадалик рафиқаси билан келган ёш америкалик Гэри Крей. — Музокаралар олиб борилганида ўзаро ишонч юзага келади, қўрқув барҳам топади».

Кечқурун М. С. Горбачев рафиқаси билан Оттава марказидаги пиёдалар юрадиган энг кўркам кўчалардан бири — Спаркс-стрит кўчаси бўйлаб сайр қилди. Зотан, буни сайр дейиш қийин, чунки совет раҳбарини мунтазам одамларнинг қалин ҳалқаси қуршаб олар эди.

...Юзлаб табассумли чеҳралар, ўнлаб табрикловчи қўллар. «Хуш келибсиз, Президент Горбачев!», «Бизнинг ҳузуримизга келинг, Михаил Сергеевич, бизнинг ҳузуримизга!» деган хитоб сўзлари инглиз тилидагина эмас, шу билан бирга рус тилида ҳам янграйди: канадаликлар орасида авлодлари асли россиялик ва украиналик кишилар анчагина. Суҳбат бир дақиқа ҳам тўхтамайди. Спаркс-стрит кўчасига тўпланган кишиларнинг кўпчилиги — ёшлардир ва ёш авлоднинг ташвишлари ва орзу-умидлари суҳбатдаги асосий мавзулардан бирига айланиши бутунлай тушунарлидир. Оттавадаги бизнес мактабининг талабаси Роберт Крейг М. С. Горбачевга ўқиш учун қанча ҳақ тўлашига тўғри келаётганлиги ҳақида сўзлаб беради. Италиялик Марицио Кьюччи билан суҳбатда ёш оилаларнинг муаммолари тўғрисида гап боради. Совет раҳбари унинг жанублик эканини беҳато айтади. Совет Иттифоқи, у ерда амалга оширилаётган қайта қуриш ҳақида канадалик ёшларнинг фикри қандай? — деб сўрайди М. С. Горбачев. «Биз сизларни қўллаб-қувватлаймиз», — деб жавоб беришади унинг қаршисида турган йигит ва қиз.

Ёш авлоднинг вакилларидан бу сўзни эшитиш мен учун айниқса ёқимлидир, дейди совет раҳбари. Жамият ҳаётида ёшларнинг мавқеи тўғрисида қизғин суҳбат бошланади.

...«Ассалом, Горбачев» — ушбу сўзлар эндигина рус тилини ўргана бошлаган йигит кўтариб олган плакатда йирик ҳарфлар билан рус тилида ёзилган. Оттаваликлардан бири учрашувга олдиндан тайёргарлик кўрган: у кўксида «Горбачев» сўзи ёзилган ва Совет Герби туширилган ёзги кўйлак кийиб олган. Учрашувларнинг қатнашчилари самимий хушнудликни намойиш қиладилар. Кўпчилик Президентни ўз хонадонига меҳмонга таклиф этади. Бир гуруҳ студентлар «Ҳамиша бўлсин қуёш» қўшиғининг сўзларини дона-дона қилиб русча куйлайдилар.

М. С. Горбачев деярли ҳар бир қадамда ўз ишига муваффақиятлар, Канада ва АҚШда самарали музокаралар олиб боришни тилаб билдирилган самимий сўзларни эшитади.

Валентин ВАСИЛЕЦ,
Юрий КИРИЛЬЧЕНКО,
Андрей ШИТОВ.

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди олдидан

Съезд минбарига

ИШГА ЖИДДИЙ ЁНДАШМОҚ КЕРАК

Жумҳурият коммунистларининг анжумани олдидан унда қатнашадиган ҳар бир делегатнинг қалбида бирон бир муаммо бўлади. Менинг ҳам имкониятдан фойдаланиб съезд минбаридан айтадиган гапларим кўп. Зеро, заводимиз тақдири, унинг истиқболи муаммолар гирдобида қолиб кетмоқда. Бунга бефарқ қаролмайман.

Бундан беш йил аввал йилига 30 миллион дона чинни идишлар ишлаб чиқарадиган завод қурилиши бошланган эди. Мазкур қурилиш 1988 йилнинг охирида ишга туширилиб, маҳсулот бера бошлаши лозим эди. Бу объектга 34 миллион сўм маблағ ажратилди. Лекин бош пудратчи «Главташкентстрой» қурувчиларининг сусткашлиги оқибатида мазкур муҳим объект йилдан-йилга судралмоқда. Қурилиш планлари ўзгартирилаверди. Заводнинг биринчи навбати 1989 йил октябрида, иккинчи навбати 1990 йил февралида ва учинчи навбати эса шу йилнинг июнь ойида фойдаланишга топширилиши белгиланди. Бироқ бу планлар ҳам барбод бўлди. Янги заводнинг қуриладиган қувватлари 1989 йилнинг январидан эски заводнинг планига киритилди. Натижада коллективимиз қурилмаган завод қурувчилари билан икки йил мобайнида ёнма-ён ишлаб давлат планларини ҳамма иқтисодий кўрсаткичлар бўйича бажариб келдилар.

Энди ҳозирги вақтда коллективимиз олдида иккита катта муаммо турибди. Биринчиси завод қурилиши планининг бажарилмай қолиш хавфидир. Бу йил учун «Главташкентстрой» билан завод ўртасида тузилган шартномага асосан қурилишнинг қолган 1 миллион 800 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари июнь ойигача битказиб берилиши керак эди. Лекин ҳозиргача фақат 600 минг сўмлик иш бажарилди, холос. Яна бир қийинчилик — заводга темир йўл тармоғининг олиб келинмаганлигидир. Ана шу йўлнинг йўқлиги сабабли Келесда база қурилиб, хом ашё аввал у ерга, сўнгра машиналарда заводга ташиб келтирилади. Завод қурилиш плани ичида Келес базасини ҳам қайтадан қуриш режаси турибди. Лекин масъул ходимлар бу ишга панжа орасидан қарашмоқда. Натижада кетма-кет келаётган вагонлар бўшатилмай қолмоқда ва жарима устига жарима тўлаяпмиз. Хом ашёнинг сифати бузилмоқда. Қизиғи шундаки, айни пайтда объектда юзга яқин қурувчи ишлаяпти, холос. Агар иш шу зайлда борадиган бўлса мазкур объект қурилиши яна бир йилга чўзилади.

Бизнинг «Главташкентстрой» раҳбариятига қилаётган мурожаатларимиз инобатсиз қолдирилмоқда. Улар ваъдадан нарига ўтишмаяпти. Ҳозир ишчиларимиз санитария-гигиена ва техника хавфсизлиги қоидаларига мутлақо жавоб бермайдиган вазиятда меҳнат қилишмоқда. Бу бир томондан ишчиларнинг кайфиятига салбий таъсир этса, иккинчидан ишлаб чиқараётган чинни буюмларимизнинг сифатини бузмоқда.

Яқинда депутатлар ўқувида шаҳар ижроқоми молия бўлими мудирининг маърузасида шаҳар ҳаражатлари саноат ишлаб чиқаришидаги фойдадан ажратилган пул ҳисобига ва шаҳардаги корхоналар умумий даромадидан олинадиган солиқ ҳисобига бажарилади, деб айтди. Шаҳар хўжалигига сарфланадиган харажат сифатида корхоналардан олинадиган солиқ 68 миллион сўмни ташкил этар экан. Шаҳарда эса 400 дан ортиқ саноат корхонаси бор. Ана шу маблағнинг 17 миллион сўми бизнинг заводимиздан олинадиган солиқ ҳисобига тўғри келади. Энди ўзингиз ҳисоблаб, чамалаб кўринг. Шунча маблағ шаҳар хўжалигида ишлатилса-ю, келадиган фойдамизнинг тайини бўлмаса? Агар заводимиз кенгайтирилса, қурилишлар ўз вақтида битказилиб, янги цехлар ишга тушса ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз икки баравар кўпаяди. Демак, шаҳар аҳолиси биздан икки баравар кўпроқ маҳсулот олади. Яна шунга қўшимча равишда шаҳар хўжалигини яхшилаш учун икки баравар кўпроқ солиқ тўлаймиз.

Муаммолар хусусида гап кетганда яна бир нарса устида тўхталмоқчиман. Бу заводимизнинг хом ашё билан таъминланишидаги узилишлар ва қийинчиликлардир. Биз асосан Украинадан олинадиган 4200 тонна каолин хом ашёси ва Қуйбишевдан олинадиган 1 миллион 500 минг тонна гипс билан таъминланганмиз. Тўғридан-тўғри шартома асосида ишлашга ўтганимиздан сўнг қатор қийинчиликлар вужудга келди. Жумҳуриятлараро шартномаларни йўлга қўйиш керак. Ана шунда шартномаларга жиддийроқ қаралади, деб ўйлайман. Бу масалани кечиктириб бўлмайди.

Яна бир таклиф: заводда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бир қисмини, масалан 10—20 фоизини завод коллективининг ўз ихтиёрига қолдирмоқ керак. Бу ишчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва маҳсулотдан бошқа зарур мақсадларда фойдаланиш имконини беради.

Мен бир коммунист ва раҳбар сифатида съезддан бу масалага жиддийроқ қарашни, ишчан коллективимизга қулай меҳнат шароитини яратишда кўмаклашишни, хўжалик ишидаги барча сансалорликларга чек қўйилишини сўрайман. Зеро, сансалорлик бизга — коммунистларга хос одат эмас.

Ф. РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Тошкент чинни заводи директори, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегати.

ДЕЛЕГАТ ИБРАТИ

Самарқанд вагон депосидаги партия йиғилиши қизғин ўтди. Унда бўлажак делегат номзоди атрофлича муҳокама этилди.

— Бугунги талаблар нуқтаи назаридан мен Иброҳим Мамедовнинг номзодини таклиф қиламан, — деди темирйўлчилардан бири.

Шундан кейин бошқалар ҳам сўзга чиқиб, Мамедов номзоди атрофида ўз мулоҳазаларини баён қилишди.

Область партия комитети конференцияси делегати коммунистлари номзодини маъқул деб топди. Иброҳим Мамедов Ўзбекистон Компартияси XXII съездига делегатликка сайланди. У раҳбарлик қилаётган вагон назоратчилари сменаси ҳаракатдаги составларга тезкор усулда хизмат кўрсатиш билан намуна кўрсатмоқда.

Суратда: съезд делегати Иброҳим Мамедов.

Р. ҒАФУРОВ (ЎзТАГ) олган сурат.

ЖИПСЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Ўттизинчи йиллар эди. Таълим даргоҳини тамомлаб, Шофиркон районидаги Шўробод қишлоғида ташкил қилинган колхозчи-ёшлар мактабида илмий бўлим мудири бўлиб ишлай бошладим.

Айни кун ловуллаган маҳалда мактабимиз ёнига гилосранг янги машина келиб тўхтади. Бундай ғаройиб машинани болакайлар биринчи марта кўришлари эди. Истараси иссиқ, хушбичим киши ундан тушиши билан атрофини болалар ўраб олишди. Бу Файзулла Хўжаев эди.

— Сен ким бўлмоқчисан, — деб сўради у ёнидаги болалардан бирининг қуюқ сочларини кафти билан силар экан.

— Тракторчи бўламан,— деб мағрур жавоб берди болакай манглайини тириштириб.

— Сен-чи? — ўгирилди у иккинчи болага.

Шундай қилиб Файзулла Хўжаев ўқувчиларнинг ҳар биридан ким бўлмоқчи эканлигини эринмай суриштирди. Кейин мени ёнига олиб, мактаб синфхоналари, ошхона ва ётоқхоналарини синчиклаб кўздан кечирди.

Ўшанда унинг ташаббуси билан қишлоқлардаги оғир иқтисодий аҳвол инобатга олиниб, болалар мактабларда ҳам яшаб, ҳам ўқиб, уч марта давлат ҳисобидан овқатланадиган бўлишган эди.

— Фарзандларимиз ҳеч нарсадан камчиликни ҳис қилишмасин! — деб қайта-қайта уқтирди у мен билан хайрлашар экан. — Агроном экансиз, уларга пахта илмини ҳам пухта ўқитинг. Бу болалар Ўзбекистонимизнинг келажагидир!

Кейин суриштириб билсам, Файзулла Хўжаев шофирконлик машҳур пахтакор, Ленин ордени нишондори Шарофбобо Ҳамроев билан давлат ишлари хусусида маслаҳатлашиш учун қишлоғимизга келган экан. У жумҳуриятдаги мана шундай уста деҳқонлар билан маслаҳатлашиб, пахта мустақиллиги орқали Ўзбекистонни сиёсий ва иқтисодий мустақиллик йўлига олиб чиқиш илинжида эди.

Орадан кўп ўтмай, 1936 йилнинг 1 августида биз, ёшлар радио орқали унинг Тошкентдаги умумхалқ митингида 1916 йилги халқ қўзғолонининг тарихий аҳамияти тўғрисидаги оташин нутқини эҳтирос билан тингладик. Ўшанда Ф. Хўжаевнинг тилидан янграган: «мамлакатимизда яшаш яхшироқ ва қувончлироқ бўлмоқда, биз турмуш учун зарур бўлган барча нарсаларнинг мўл-кўлчилиги сари бормоқдамиз. Шундай экан, буюк Ленин партияси, қадрдон Совет ҳокимияти атрофида кучларимизни ҳар қачонгидан ҳам жипслаштирмоғимиз лозим», деган сўзлари ҳамон ёдимда.

Афсуски, унинг орзулари ушалмай қолди. Шахсга сиғиниш шароитида жумҳурият раҳбарларининг мустақиллик сари интилишларини жиловлаш мақсадида партия ва совет фаоллари ўртасида гуруҳбозлик зўр бериб авж олдирилди. Муҳолифлар Файзулла Хўжаевнинг бўйнига бўлмағур айбларни қўйишди. Турли анжуманлар минбари, матбуот саҳифаларидан уни ҳақоратлаш учун фойдаланилди. Бундай шароитда унинг издошлари бўлган биз, ёшларнинг аҳволимизни тасаввур қилиш мумкин.

Ҳокимият сари интилган айрим маънавий тубан шахсларнинг жон-жаҳди билан қилган ҳаракатлари туфайли Файзулла Хўжаев халқ душмани сифатида айбланиб, қатағон қилинди. Жумҳуриятимизнинг гули бўлган ўн мингдаб етук кадрларимиз у билан бирга нобуд бўлдилар.

Шахсга сиғиниш, маъмурий-буйруқбозлик давлат сиёсатига айлантирилган ўн йилликлар халқимизга ғоят қимматга тушди. Турмушимиздаги қийинчиликлар илдизини мана шу ердан излаш лозим.

Шу сабабли Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегатлари билан айрим фикр-мулоҳазаларимни ўртоқлашишни партиявий бурчим, деб биламан.

Қайта қуриш туфайли жумҳуриятимиз раҳбарлигига Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Йўлдош Охунбобоевга ўхшаган жасоратли, истиқболимизни кўра биладиган фикри тиниқ кишилар кўтарилгани келажакка умид туғдирмоқда.

Биз ёшимизни яшадик. Лекин биз кўрган кулфатлар фарзандларимиз, невараларимиз бошига ҳам тушишини истамаймиз.

Агар халқимиз яна фожиалар гирдобига ғарқ бўлишини истамасак, тўқ турмуш кечиришга интилсак, жумҳурият раҳбарияти атрофида метиндек жипслашайлик. Бирлашган ўзар, бирлашмаган — тўзар, деб беҳуда айтишмаган. Ҳозир бизга собит ирода, ўзаро ҳурмат ва иззат, якдиллик ва ҳамнафаслик ҳар қачонгидан ҳам зарурлиги Президентимиз И. А. Каримовнинг куни кеча Ўзбекистон аҳлига қилган мурожаатида ҳам таъкидланди. Ўзбекистон Компартияси XXII съезди халқимизни сиёсий ва иқтисодий мустақиллик сари олиб чиқадиган ойдин йўлнинг бошланиши бўлсин!

Менинг бу даъватимни съезд делегатлари ўтмиш юкига елкасини тутиб турган барча отахон ва онахонларнинг насиҳатномаси сифатида қабул этадилар, деб умид қиламан!

Соли ЁДГОРОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном, «КПСС сафида 50 йил» нишондори.

ИҚТИСОДИЁТНИ СОҒЛОМЛАШТИРАЙЛИК, ПУЛ ҚАДРСИЗЛАНИШИ ЎСИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК

Жумҳуриятнинг бошқарилиб туриладиган бозор иқтисодиёти принципларига ўтиш йўллари, янги шароитда турмуш даражаси пасайиб кетишига йўл қўймаслик чора-тадбирлари Ўзбекистон ССР Министрлар Советида 30 май куни бўлиб ўтган кенгайтирилган кенгашда муҳокама қилинди. Кенгаш ишида жумҳурият вилоятларидан келган молиявий-иқтисодий хизмат, ҳуқуқ ва табиатни муҳофаза қилиш идораларининг ходимлари, партия ва совет ходимлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, ССР ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари иштирок этдилар.

Кенгашни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов очди.

Жумҳурият Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов маъруза қилди.

Кенгашда турмушнинг барча соҳаларида ишларнинг аҳволи бениҳоя ёмонлиги мамлакат ва жумҳурият халқ хўжалиги комплексининг бошқариб туриладиган бозор иқтисодиёти принципларига ўтишини тақозо этаётгани уқтириб ўтилди. Иқтисодий ўсиш суръатларининг секинлашуви, миллий даромадларнинг пасайиб кетиши мамлакатда шусиз ҳам мураккаб вазиятни кескинлаштириб юборди. Шунинг учун ҳам ишларнинг аҳволига амалда таъсир қила оладиган, жумҳуриятни танг ҳолатдан чиқара оладиган бошқариб туриладиган бозор иқтисодиётига ўтишдан ўзга йўл йўқ. Бироқ янги иқтисодий изга ўтиш билан бирга жиддий ижтимоий ларзалар ҳам бўлиши мумкин. Ўтиш даврида таркиб топаётган вазиятни пухта таҳлил этиш, самарали ҳимоя чораларини ишлаб чиқиш зарур. Ҳозирги вақтда асосий вазифа — аҳоли кенг табақалари турмуш даражасининг пасайиб кетишига йўл қўймасликдан, иқтисодий сиёсатни амалга оширишда туб янги ёндашувни ишлаб чиқишдан иборат.

Унинг моҳияти Ўзбекистоннинг ер, минерал-хом ашё, бошқа табиий ресурсларидан, вужудга келтирилган фан-техника имкониятларидан мустақил ва самарали фойдаланишни таъминлашдан иборатдир. Айниқса истеъмол моллари ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган тармоқларда инвестиция сиёсатини тубдан қайта кўриб чиқиш талаб этилади.

Жумҳурият деярли барча кўрсаткичлар юзасидан ўртача Иттифоқ даражасидан жиддий орқада қолаётганлиги сабабли ўтиш даври янада мураккаблашмоқда. Экология вазияти хавфли бўлиб қолмоқда, миллатлараро можаролар кўпайиб кетди. Бугунги кунда Ўзбекистонда 1 миллион киши ишсиз. Айни вақтда минг-минглаб иш жойлари саноатда, қурилишда, транспортда, савдода, маиший хизмат ва умумий овқатланиш корхоналарида бўшлигича қолмоқда.

Жумҳуриятимиз гўшт, сут, қанд-шакар истеъмол қилиш борасида мамлакатнинг бошқа минтақаларидан анча орқада қолмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш билан ана шу тафовут яна ҳам кучайиб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳам эски буйруқбозлик-маъмуриятчилик усуллари ёрдамида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга янги омил бахш этиб бўлмайди, деб алоҳида таъкидланди кенгашда. Шу муносабат билан янгиланган Совет федерацияси доирасида социалистик муносабатларнинг мустаҳкамланишига асосланган хўжалик юритишнинг янги системаси чўзилиб кетган ёриб ўтишнинг реал якунига айланиши керак. Бироқ бозор муносабатларига ўтишнинг кечиктирилиши ҳам Ўзбекистонда турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишига олиб келади. Ана шундан келиб чиқиб, дастлабки босқичда кутилаётган салбий ижтимоий ҳолатларнинг имкони борича юмшатилиши жумҳурият ҳукумати учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган вазифага айланиши керак. Айни шу мақсадда яқинда ижтимоий чора-тадбирлар амалга оширилди: шахсий фойдаланишдаги ер участкалари кенгайтирилди, кичик корхоналарнинг кенг тармоғи барпо этилди. Қуйи синфларнинг ўқувчилари бепул овқатлантирилмоқда, ҳомиладор аёлларга, ногиронлар-

(Давоми учинчи бетда).

СССР—АҚШ: НАВБАТДАГИ ҚАДАМНИ ҚЎЙИШ ПАЙТИ КЕЛДИ!

ВАШИНГТОН, 31 май. (ТАСС мухбирлари). Америка Қўшма Штатларининг пойтахти чоршанба куни тушдан кейин давлат ташрифи билан бу ерга келган СССР Президенти М. С. Горбачевни меҳмондўстлик билан кутиб олди. Бу меҳмондўстлик жуда хилма-хил рангдор рамзларда — кўпдан-кўп байроқларда ўз аксини топмоқда. Бу байроқлар Оқ уйни ва унинг теварак атрофинигина эмас, давлат ташрифи режаси билан боғлиқ бўлган бошқа биноларнинг, Совет—Америка учрашувини ёритиш учун 60 мамлакатдан келган беш минг кишидан иборат журналистлар жойлашган меҳмонхоналарнинг пештоқларини ҳам безаб турибди.

Неча кундирки, АҚШнинг ҳамма ахборот бошқармалари, телекомпаниялари ўз хабарларини «саммит» сўзи билан бошлайдилар. Бу маънодор инглизча сўз «олий даражадаги учрашув» деган маънони билдиради. Американликлар учун бу сўз умидни, яхши замонлар келишидан умидворликни, эртанги яхши кунга ишончни билдиради. Вашингтонда чиқадиган газеталарнинг хабар қилишича, жамоатчилик фикрини билиш учун ўтказилган савол-жавоб давомида американликларнинг 73 фоизи совет раҳбарининг сиёсатини маъқуллаган.

Шу савол-жавоб қатнашчилари орасида мулоқотнинг муваффақиятли боришига ҳалақит бермоқчи бўлиб, АҚШ Президентига Совет мамлакатидаги ички қийинчиликлардан, Шарқий Европадаги воқеалардан фойдаланиб қолишни, музокараларда СССРга ўз шартларини тиқиштиришни маслаҳат бермоқчи бўлган кимсалар ҳам бор, албатта. Бироқ Ж. Бушнинг олий даражадаги учрашув кун тартибига киритилган энг муҳим бандлар хусусидаги вазмин позицияси кўпчилик американликларга маъқул бўлмоқда. Уларнинг фикрича, иккала томоннинг куч-ғайратлари туфайли СССР билан АҚШ ўртасида беш йил муқаддам Женевада бошланган мулоқотда дурустгина иш қилинган, бинобарин, энди навбатдаги қадамни қўйиш пайти келди.

...Эндрюс авиация базаси. Вашингтон вақти билан соат 19 да «Ил-62 М» ҳаво кемаси бетон йўлкага қўнади ва СССР билан АҚШнинг Давлат байроқлари безаб турган оппоқ бино ёнига келиб тўхтайди. Самолёт пиллапояси ёнида М. С. Горбачев билан унинг рафиқасини АҚШ давлат секретари Ж. Бейкер рафиқаси билан, АҚШнинг СССРдаги элчиси Ж. Мэтлок, СССРнинг АҚШдаги элчиси А. А. Бессмертних, бошқа расмий кишилар кутиб оладилар.

АҚШ давлат секретари билан СССР Президенти микрофонлар ёнига келадилар.

Ж. Бейкер меҳмонга мурожаат этиб, бундай деди:

Президент жаноблари, Горбачева хоним! Мен сизларни Вашингтонда Президент Буш, Буш хоним ва Америка халқи номидан қувонч билан табриклайман. Президент жаноблари, бутун дунё сизга ва Президент Бушга қараб турибди. Биз бирга-ликда совуқ урушгагина эмас, шу билан бирга ундан аввалги можароларга ҳам барҳам бериш учун жавобгармиз.

(Давоми иккинчи бетда).

СССР—АҚШ: НАВБАТДАГИ ҚАДАМНИ ҚЎЙИШ ПАЙТИ КЕЛДИ!

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Бунга эришмоқ учун биз бирлашган Германияни ва ярашган Европани кўришимиз керак, биз қурол-яроғларнинг ядровий, химиявий ва оддий турлари устидан назорат ўрнатиш, шунингдек маҳаллий можароларни бартараф этиш йўли билан уруш хавфини камайтиришимиз лозим. Биз Совет Иттифоқида демократия ва ошкоралик йўлидан янада олға борилаётганини кўришни истаймиз.

Президент жаноблари, ўтган йилнинг кузидан буён жаҳон аҳли шу ташрифни ва у билан боғлиқ бўлган умидлар рўёбга чиқишини орзиқиб кутмоқда. Келинг, шу ҳафтада мазкур умидларни рўёбга чиқаришга интилиб кўрайлик.

М. С. Горбачев бундай деди:

Давлат секретари жаноблари, кутиб олганингиз ва меҳмондўстлик сўзларини айтганингиз учун сизга ташаккур. Америка диёрига қадам қўйган дастлабки дақиқаларимда СССР халқлари номидан Америка Қўшма Штатларининг фуқароларига энг эзгу тилаклар билдираман.

Президент Жорж Буш билан бафуржа суҳбатлашамиз. Биз билан сиз, америкаликларнинг ишларимизгина эмас, анча кенг миқёсдаги ишлар ҳам кўп жиҳатдан шу суҳбатнинг якунларига боғлиқ бўлади.

Бошқа сиёсий арболар билан, жамоатчилик билан, умид қиламанки, турли лавозим ва мавқедаги фуқаролар билан ҳам учрашувлар бўлади.

Бу галги олий даражадаги учрашувнинг хусусияти ва аҳамияти аввало шундан иборатки, ундан стратегик ҳужум қуролларини қисқартириш соҳасида дастлабки йириқ қарорни кутмоқдалар. Иккала томон биргаликда шу қарорни тайёрлаш устида сабот билан ишлади.

Учрашувнинг хусусияти шуки, биз Америка Қўшма Штатларининг Президенти билан бирга ҳар биримизда пайдо бўлиши мумкин бўлган ва ўз масъулиятимиз доирасида бўлган ҳамма масалалар хусусида расмий вазиятдагина эмас, шу билан бирга норасмий вазиятда ҳам, яккама-якка фикрлашиш ва уларни муҳокама қилиш учун биринчи бор етарли вақтга эга бўламиз.

Ҳар бир америкаликнинг хонадонига яна бир бор тинчлик ва эсон-омонлик тилайман. Сизларга ташаккур.

...Вашингтон яқинидаги аэропортда бўлғуси мулоқотнинг муваффақиятига ишонч билан тўлиб-тошган шу сўзлар айтилаётган дақиқаларда Оқ уйда иккала Президент учрашувининг расмий маросимига сўнгги тайёргарликлар ниҳоясига етказилди. Учрашув пайшанба куни эрталаб бўлади.

(ТАСС).

СССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН СУҲБАТИ

ОТТАВА, 30 май (ТАСС). СССР Президентининг Канада бош министри Б. Малруни билан учрашуви бошланиши олдидан унинг боргоҳига кираверишда журналистлар М. С. Горбачевга саволлар билан мурожаат қилдилар.

Савол: Жаноб Горбачев, сиз жаноб Ельцин сайланганлигидан ташвишланяпсизми?

Жавоб: Мени съездда вужудга келган вазият ташвишлантирмоқда. Ўзига хос муҳолифлик пайдо бўлди, бу эса масалаларни ҳал этишга таъсир кўрсатмоқда. Телевидение орқали кўриб турган бўлсангиз, аслида Олий Совет Раёсини сайлаш воқеаси бир неча кун давом этди. Умуман муҳолифлар орасида депутатларнинг асосий кўпчилигини бирлаштира оладиган киши топилмай қолди. Ўзига хос ён босиш тақозо этилган вазият вужудга келди. Бу эса депутатларни ҳам, россияликларни ҳам ташвишлантирди: улкан, қийин масалаларни ҳал этиш керак, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик зарур, бу ерда эса мухолифлик юзага келди. Бу ҳаммани ғоят ташвишлантирди ва қай тарика жипслашишга эришиш тўғрисида мунозара борди. Съезд муносабати билан мени ташвишлантираётган биринчи нарса асосан мана шудир.

Эътибор берган бўлсангиз, ўртоқ Ельцин учинчи марта ўтказилган сайловда овозларни бир мунча кўпайтиришга ва бироз устунликка эришишга муваффақ бўлди. Шунинг учун Россия съезди муносабати билан энг долзарб муаммо — ана шу улкан республикамиз олдида турган барча муаммоларни ҳал этиш ва ишлаб чиқиш учун куч-ғайратларни бирлаштиришдир.

Ўртоқ Ельцин кейинги кунларда социалистик йўлга нисбатан ўз позициясини тушунтириб беришга тўғри келди. У ўз позицияси билан СССР Президентининг позицияси ўртасида тафовут йўқлигини айтди. Ундан Совет Иттифоқининг тараққиёти истиқболларига ҳамда халқларимиз ҳамдўстлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда Россия Федерациясининг мавқеига нисбатан ўз позициясини аниқлаб беришни ҳам сўрадилар. Ундан Президент ва Иттифоқ ҳукумати билан самарали ва баҳамжиҳат ҳамкорлик қила оласизми, деб сўрадилар. Ижобий жавоб қайтарилди. Ниҳоят, у съезд доирасида юзага келган барча оқимларни бирлаштириш, Россия олдида турган муаммоларни ҳал этиш зарурлигини ёқлаб гапирди.

Агар бу сиёсий найранг бўлмаса, бир неча кун ичида яхши томонга анча жиддий тузатишлар киритилди, агар бу жиддий сиёсий позиция бўлса, унда фақат самара бўлади. Агар бу сиёсий найранг бўлса, унда янада қийин пайтлар бўлиши мумкин. Осон бўлмайди. Омон бўлсак — кўрамиз. Ҳаёт барча устозлар ва имтиҳон қилувчилардан устунроқдир.

Савол: Михаил Сергеевич, Канадага иккинчи марта келишингиз муносабати билан қандай тўйғуларни бошдан кечираяпсиз?

Жавоб: Яхши тўйғуларни... Мен ҳатто генерал-губернатор билан машинада борар эканман, канадаликлардан — ҳеч бўлмаганда Оттава аҳолисидан намуна олиш лозим деб айтдим. Мен ҳали мамлакат раҳбарларидан ташқари ҳеч ким билан мулоқотда бўлмадим. Бироқ бўлиб ўтган мулоқотлардан зўр таассурот олдим ва яхши хотиралар қолди. Канадаликлар ўзларининг ҳаётга муносабати, жиддийлиги, меҳнатсеварлиги билан менга манзурдирлар. Аммо ўйлайманки, ҳали улар ҳақида яна таассуротларга эга бўламан. Улар тўғрисида сизларга кейинчалик сўзлаб бераман. Ҳар ҳолда мен суҳбатлашиш учун эмас, балки музокаралар олиб бориш учун бу ерга келганман.

СССР Олий Советининг қарори

«СССРДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ СССР ҚОНУНИНИ КУЧГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

СССР Олий Совети қарор қилади:

1. «СССРда фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»*ги СССР Қонуни қуйидаги муддатларда кучга киритилсин:

уруш ногиронлари ва урушнинг бошқа қатнашчилари учун пенсиялар қисми — 1990 йилнинг 1 октябридан;

пенсионерларнинг бошқа тоифалари учун пенсияларнинг энг кам миқдори, ижтимоий пенсиялар, Улуғ Ватан уруши даврида жанговар ҳаракатлар билан боғлиқ ярадор бўлиш, контузия ёки шикастланиш натижасида ёки уларнинг оқибатида болаликдан ногиронларга пенсиялар, ота-онасидан маҳрум бўлган етимларга, ногирон болалари (I ва II гуруҳ болаликдан ногиронлар) бўлган оналарга, Чернобиль атом электр станциясидаги авария оқибатларини тугатиш қатнашчиларига пенсиялар қисми, шунингдек пенсияларнинг миқдорига дахл қилмайдиган нормалар қисми 1990 йил 1 январдан. Айни бир пайтда Қонун кучга киритилмасдан олдин тайинланган пенсиялар ушбу қарорнинг 3-бандида кўзда тутилган пенсияда бўлиш даврига қараб 5-40 сўм оширилсин;

янгитдан тайинланаётган пенсияларни ва Қонун кучга киритилгунга қадар тайинланган бошқа пенсияларни (иш стажига, иш ҳақига ва Қонунда кўзда тутилган бошқа асосларга мувофиқ, 1991 йил 1 январидан оширилишини ҳисобга олган ҳолда) қайта кўриб чиқиш учун — 1992 йил 1 январдан бошлаб. Бунда ушбу Қонунга мувофиқ равишда ҳисоблаб чиқилган 160 сўмдан ортиқ пенсиялар қуйидаги муддатларда тўланади: 1993 йил 1 июлгача бўлган даврда — 160 сўмгача миқдорда, лекин 1991 йил 1 январидан бошлаб 5—40 сўм ошириб белгиланганидан кам бўлмаслиги керак, 1993 йил 1 июлдан бошлаб — тўла миқдорда.

Бироқ 1993 йил 1 июлгача бўлган даврда ҳамма ҳолларда ҳам қонун кучга киритилгунга қадар қонунларда кўзда тутилганидан кам бўлмаган миқдорда пенсия тўланади.

2. Кўмир, металлургия ҳамда саноат ва қурилиш бошқа тармоқларининг ишдан кетиб қолган ишчилари ва хизматчилари учун оширилган энг кўп миқдорда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган «Давлат пенсиялари тўғрисида»ги СССР Қонунининг 13-моддасида белгилаб қўйилган оширилган миқдордаги энг кўп қарилик пенсияси олиш ҳуқуқини чеклаш 1991 йил 1 январдан бошлаб ана шу тоифадаги ходимларга оширилган энг кўп пенсия жорий қилингунга қадар бекор қилинсин.

Мазкур оширилган энг кўп миқдордаги пенсиялар тайинланган ишчилар ва хизматчилар учун Қонун 1991 йил 1 январидан кучга киритилсин ва 1992 йил 1 январга қадар 210 сўмгача миқдорда, 1992 йил 1 январдан эса тўла миқдорда тўлансин.

3. Қонун кучга киритилгунга қадар тайинланган пенсиялар, шу жумладан, энг кам миқдордаги пенсияларни қайтадан ҳисоблаш чоғида тегишли устамаларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда Қонунда белгилаб қўйилган миқдоргача етказилади, лекин беш йилгача пенсияда бўлган тақдирда бу устама ойига 5 сўмдан, 5 йилдан 10 йилгача пенсияда бўлган тақдирда ойига 10 сўмдан, 10 йилдан 15 йилгача пенсияда бўлган тақдирда ойига 15 сўмдан, 15 йилдан 20 йилгача пенсияда бўлган тақдирда ойига 20 сўмдан, 20 йилдан 25 йилгача пенсияда бўлган тақдирда ойига 30 сўмдан, 25 йил ва ундан ортиқ пенсияда бўлган тақдирда ойига 40 сўмдан ошмаслиги керак (уруш ногиронлари ва урушнинг бошқа қатнашчилари учун Қонуннинг 22 ва 35-моддаларида кўзда тутилган оширишларни ҳисобга олмаган ҳолда). Улуғ Ватан уруши даврида жанговар ҳаракатлар билан боғлиқ жароҳатланиш, контузия ёки майиб бўлиш натижасида ёхуд уларнинг оқибатида болаликдан ногиронларга пенсиялар, шунингдек юқоридаги сабаблларга кўра болаликдан ногиронларга боқувчисидан маҳрум бўлганлик учун бериладиган пенсиялар қарилик пенсияси энг кам миқдорининг 15 фоизига қўшимча равишда оширилади.

Энг кам иш ҳақининг ўсиши муносабати билан пенсиянинг энг кам миқдорини навбатдаги кўпайтириш чоғида пенсиялар юқорида айтиб ўтилган 5—40 сўм оширилишини ҳисобга олмаган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқарилади.

4. Белгилаб қўйилсинки, Қонуннинг 67-моддаси қоидаларидан қатъи назар пенсия тайинлангандан кейин Қонун кучга киргунга қадар бўлган даврдаги иш пенсия миқдорини кўпайтириш чоғида ҳисобга олинади (Қонуннинг 20-моддаси).

5. Қонун кучга киргунга қадар амал қилиб келинган қуйидаги тартиб сақлаб қолинсин:

космонавтларга пенсия тайинлаш ва тўлаш, маориф, соғлиқни сақлаш ходимларига, спортчиларга (Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ пенсия турини танлаб олиш ҳуқуқини ҳисобга олган ҳолда) муайян даврда хизмат қилганлик учун пенсиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби;

Улуғ Ватан уруши даврида СССР ва бошқа давлатлар территориясининг босиб олинган қисмида бўлган вақтни меҳнат стажига қўшиш;

совет муассасалари ва халқаро ташкилотлар ходимлари хотинларининг чет элда бўлган вақтини меҳнат стажига қўшиш;

чет элга кетаётган фуқароларга пенсия тўлаш агар бу тартиб Қонунда белгилаб қўйилганига нисбатан имтиёзлироқ шартларни назарда тутса;

қарилик пенсиясига пенсия ёшига етгандан кейин ишлаган ҳар бир йил учун (лекин 1991 йил 1 январидан ошмаслиги керак) тегишли иш стажи бўлган тақдирда Қонуннинг 20 ва 76-моддаларига мувофиқ энг кам иш ҳақининг ўн карра миқдоридан ҳисоблаб чиқариладиган миқдор доирасида қўшимча белгилаш.

6. СССР Министрлар Совети, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари ўлка, вилоят, шаҳар, район Советлари ижроия комитетлари Қонунга мувофиқ равишда пенсияларни ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқаришни, пенсия тайинлаш ва тўлашни таъмин этиш учун ижтимоий таъминот органлари системасининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ҳисоблаш техникаси, алоқа ва транспорт воситалари билан тўлароқ жиҳозлаш, малакали кадрлар билан таъминлаш, ана шу органлар ходимлари меҳнатини моддий рағбатлантиришни такомиллаштириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар.

СССР Министрлар Совети 1990 йил 1 ноябргача бўлган муддатда:

Қонун билан СССР Министрлар Совети ихтиёрига берилган масалалар юзасидан «СССРда фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги СССР Қонунини қўлланишга доир зарур норматив ҳужжатларни қабул қилсин;

касаба уюшмалари Бутуниттифоқ марказий кенгаши (КУБМК) билан биргаликда СССРнинг пенсия жамғармаси тўғрисидаги низомни, шунингдек фуқароларнинг ана шу жамғармага мажбурий суғурта бадаллари тўлаш шартлари ва тартибини, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахсларни, жумладан якка (гуруҳ) ижарачи ёки шахсий деҳқон хўжалиги шароитида ишловчи шахсларни давлат йўли билан ижтимоий суғурта қилиш шартларини тасдиқласин;

КУБМК билан биргаликда имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқини берадиган корхоналар, цехлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларини, муайян вақт меҳнат қилганлиги учун пенсия олиш ҳуқуқини берадиган корхоналар ва касблар рўйхатини тузишни тугалласин, бунда ҳозирги сессия давомида СССР халқ депутатларининг мазкур рўйхатларга тааллуқли таклифлари кўриб чиқилсин;

турмуш қийматининг ўзгариши ва иш ҳақининг ўсиши муносабати билан пенсияни ошириш (Қонуннинг 124-моддаси) тартиби ва муддатлари тўғрисидаги таклифларни аҳоли даромадларини индексациялаш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси билан биргаликда СССР Олий Советига тақдим этсин;

иш стажини тасдиқлаш тартибини белгилаш чоғида (Қонуннинг 74-моддаси) Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ пенсия миқдорини кўпайтириш учун иш стажини гувоҳлар кўрсатмасига мувофиқ тасдиқлаш имкониятини кўзда тутсин;

хизмат вазифаларини бажариш чоғида одамнинг касалликка бардошлилик қобилиятини йўқотадиган вирус юққан табобат ва фармацевтика ходимларини имтиёзли пенсия билан таъминлаш масаласини ҳал қилсин;

радиация билан булғанган территориялардаги даволаш муассасаларида, инсоннинг касалликларга бардошлилик хусусиятини йўқотадиган вирус юққан шахсларни ёки СПИД касалига чалинган шахсларни даволайдиган юқумли касалликлар шифохоналарида, даволаш муассасаларининг паталогияанатомия ва реанимация бўлимларида ишлаш вақтини стажга икки баравар ошириб ҳисоблаш масаласини кўриб чиқсин;

амалдаги қонунларга «СССРда фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги СССР Қонунидан келиб чиқадиган ўзгартишлар ва қўшимчаларни киритиш, шу жумладан Узоқ Шимол районларида ҳамда ана шу районларга тенглаштирилган жойлардаги иш даврини меҳнат стажига қўшиб ҳисоблашдаги имтиёзлар тўғрисидаги Қонунга ўзгартишлар киритиш ҳақидаги таклифларни СССР Олий Советига тақдим этсин.

СССР Министрлар Совети СССР ҳукуматининг ҳужжатларини «СССРда фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқлаштирсин ҳамда министрликлар, СССР давлат комитетлари ва идоралари ўз норматив ҳужжатларини, шу жумладан мазкур Қонунга зид бўлган йўл-йўриқларини қайта кўриб чиқиши ва бекор қилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, Қонуннинг 70-моддасида Улуғ Ватан уруши даврида мамлакат ичкарисидаги меҳнатчилар ва ҳарбий қисмлар эркин ёлланган таркиби учун кўзда тутилган иш стажини ҳисоблаш тартиби Ленинград шаҳрида у қамал қилинган даврда меҳнатга лаёқатли ёшда бўлган шаҳсларга, шунингдек Улуғ Ватан уруши даврида СССРнинг вақтинча босиб олинган территорияларидан СССР билан уруш ҳолатида бўлган давлатлар территориясига зўрлик билан олиб чиқиб кетилган шахсларга, фашист қамоқ лагерлари (гетто ҳамда уруш даврида мажбурий ушлаб турилган бошқа жойлар) тутқунларига, шу жумладан болаларга, агар улар ана шу даврда Ватанга қарши жиноят қилмаган бўлсалар, жорий этилади.

СССР Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитетига пенсия ислоҳотини амалга ошириш даврида уни Қонунга мувофиқ қўлланиш тартиби тўғрисида, шу жумладан, гражданларнинг айрим тоифаларига тааллуқли бўлган, СССР министрликлари ва идоралари, иттифоқдош ва автоном республикалар, давлат бошқаруви маҳаллий органлари, корхоналар ва ташкилотлар учун мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилсин. Бунда гражданларнинг Қонуннинг 102-моддасига мувофиқ судга мурожаат қилиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

7. Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларига СССР халқ депутатларининг ушбу сессия давомида айтган қишлоқ хўжалиги ходимлари (механизаторлар, деҳқонлар, сабзаводчилар, пахтакорлар, пиллакорлар, бузоқбоқарлар, чойкорлар, отбоқарлар, йилқичилар, иссиқоналарнинг ходимлари, паррандабоқарлар, қўёнбоқарлар, мўйнали ҳайвонларни боқувчилар, қорамолларни ўстириш ва сўқимга боқиш операторлари) шунингдек, буғубоқарлар, чўпонлар, балиқчилар, овчилар, шу жумладан кўчманчилик билан кун кечирувчилар, ўрмончилар, пассажир арқон йўлларининг ходимлари, денгиз конларидаги нефть қазиб чиқарувчилар, мебелларни силлиқлаш билан шуғулланувчи пардозчилар, шаҳар транспорти ва транспортнинг бошқа турлари ҳайдовчилари, ўрмон-ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноатида, шунингдек қурилишда ва энергетикада банд бўлган айрим касбдаги ишчилар, ошпазлар, новвойлар, қандолатчилар, гиламдўзлар, табобат ва фармацевтика ходимлари меҳнат шароитини яхшилаш ва соғломлаштириш тўғрисида ҳамда уларнинг имтиёзли пенсия билан таъминлаш ҳақидаги таклифларини кўриб чиқиш ҳамда уларнинг меҳнатига хос жиҳатларини ҳисобга олиб, «СССРда фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги СССР Қонунининг 129 ва 130-моддаларига, «ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг иқтисодий муносабатлари асослари тўғрисида»ги СССР Қонунига ва «Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжаликнинг умумий асослари тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ қарорлар қабул қилиш тавсия этилсин.

8. Қонун қабул қилиниши билан боғлиқ харажатларни пул билан таъминлаш учун (ногиронлар ва пенсионерларнинг жамоат ташкилотлари, уларнинг корхоналари, муассасалари, бирлашмалари ва ўқув юртларидан ташқари) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар тўлайдиган давлат ижтимоий суғуртага бадали тарифлари оширилиб, улар 37 фоиз миқдорида белгилансин ва айни вақтда янги улгуржи ва ҳарид нархлари жорий этилсин.

СССР пенсия жамғармасига гражданларнинг иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида мажбурий суғурта бадали тўлаши белгилаб қўйилсин.

9. СССР Министрлар Совети, СССР Фанлар академияси ва СССР Тиббий фанлар академияси билан биргаликда давлат имтиёзли пенсия таъминотини, шу жумладан, муайян вақт хизмат қилганлик учун пенсия таъминотини тубдан ислоҳ қилишга тайёргарлик ишларини амалга оширсинлар, муайян вақт ишлаганлик учун пенсия қўлланиладиган соҳани меҳнатнинг зарарли ва оғир шароитлари ёки инсон саломатлиги учун хавф-хатар, фан-техника тараққиётининг ҳолатига боғлиқ бўлмаган ҳолда сақланиб қоладиган махсус тармоқлар билан чеклаб қўйсинлар, кейинчалик бу масалаларни ҳал қилишни коллектив шартномалари доирасида корхоналар ва ташкилотларга топшириш мақсадини кўзда тутсинлар. Тегишли таклифлар 1992 йил 1 январга қадар СССР Олий Советига тақдим этилсин.

Мамлакат корхоналарида меҳнат шароитларининг аҳволи тўғрисидаги масала СССР Олий Совети сессиясида тингласин. Бу масалани тайёрлаш Иттифоқ Советининг меҳнат, нарх-наво ва ижтимоий сиёсат масалалари комиссиясига, СССР Олий Советининг халқ саломатлигини муҳофаза қилиш комитетига, Иттифоқ Советининг саноат, энергетика, техника ва технологияни ривожлантириш масалалари комиссиясига топширилсин.

10. СССР Министрлар Совети ушбу сессия давомида СССР халқ депутатлари айтган таклифларни ҳисобга олиб:

1991 ва 1995 йилларда СССРни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш Давлат плани ва СССРнинг 1991 йилги Давлат бюджети лойиҳаларини СССР Олий Советига киритиш билан бир вақтда пенсия энг кам миқдорининг энг кам иш ҳақига боғлиқ эканлигини кўзда тутиб, иш ҳақининг энг кам миқдорини босқичма-босқич кўпайтириш таклифини тақдим этсин;

Уруш қатнашчиларини ва бошқа жанговар ҳаракатларнинг қатнашчиларини, шу жумладан байналмилал бурчини бажариш чоғидаги жанговар ҳаракатларда қатнашган ва бунда жароҳатланган, контузия ёки майиб бўлган ва умумий касаллик оқибатида ногирон деб топилган кишиларни уларнинг ногиронлиги кўрсатилган жароҳат, контузия ёки майиб бўлиш билан эҳтимол тутилган боғлиқлиги сабабларини аниқлаш мақсадида врачлик-меҳнат эксперт комиссияларида қайтадан текширишдан ўтказишни ташкил этиш масаласини кўриб чиқсин;

СССР Олий Советининг хотин-қизлар, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишлари комитети ва Совет хотин-қизлари комитети билан биргаликда хотин-қизларнинг мамлакатдаги аҳволини яхшилаш режаларини тузиш чоғида уларнинг узоқ муддатли иш стажи бўлган тақдирда ёшига қарамай, муддатидан олдин пенсияга чиқишлари билан боғлиқ таклифларни кўриб чиқсин;

СССР Олий Советининг экология ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари комитети билан биргаликда экологияга доир режаларни ишлаб чиқиш чоғида экология вазияти танг шаҳарлар ва регионларда аҳоли саломатлигини йўқотганлиги учун зарар ўрнини қоплаш шакллари тўғрисидаги таклифларни тайёрласин;

СССР Олий Советининг тегишли комитетлари ва палаталарнинг доимий комиссиялари билан биргаликда асоссиз равишда қатагон қилинган ва кейинчалик оқланган шахсларнинг, уларнинг фарзандларининг, шунингдек фашист қамоқ лагерлари (Улуғ Ватан уруши давридаги гетто ва бошқа мажбурий ушлаб туриш жойлари)да тутқун бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимояланиши ва уларнинг моддий-маиший аҳволини яхшилаш масалаларига доир таклифларни тайёрлаб, 1990 йил 1 ноябргача СССР Олий Совети кўриб чиқиши учун тақдим этсин;

30—40-йилларда доимий яшаш жойларидан зўрлик билан кўчирилган элатлардаги фуқаролар айрим тоифаларининг иш стажларини ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқсин;

СССР Олий Советининг халқ саломатлигини сақлаш комитети, Миллатлар Советининг миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатлар комиссияси ва Иттифоқ Советининг меҳнат, нарх-наво ва ижтимоий сиёсат масалалари комиссияси билан биргаликда Узоқ Шимолдаги, Сибирь ва Узоқ Шарқдаги кам сонли элатлар ва этник гуруҳларга мансуб меҳнаткашларнинг пенсия таъминоти шартлари ва тартиби тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиб, натижаларини СССР Олий Советига маълум қилсин.

11. Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларига Қонун асосида уруш ва меҳнат ветеранлари, ногиронлар ҳамда боқувчисидан маҳрум бўлган оилаларнинг ижтимоий ҳимояланиши қўшимча кафолатларини таъминлаш ва уларнинг турмуш шароитини яхшилаш, айниқса пенсионерларнинг энг кам таъминланган тоифалари тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш тадбирларини амалга ошириш тавсия қилинсин.

СССР Олий Советининг Раиси
А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 15 май.

* бундан буён қонун деб аталади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

● Ҳукумат республика Министрлар Советининг 1990 йил 16 апрелда қабул қилган «Халқ истеъмоли молларининг бир қанча турларини Ўзбекистон ССРдан ташқарига олиб чиқиб кетишни чеклаш тўғрисида»ги қарорига қўшимча қабул қилди.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва жойлардаги вилоят ижроия комитетларига аниқ вазияттирилган маҳсулотнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик кўзда тутилди. Ҳар бир ҳолда маҳсулот олиб чиқиб кетиш учун руҳсатнома Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, вилоят ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети, «Ўзбекистон» жумҳурият ишлаб чиқариш давлат-кооператив бирлашмаси ва Ўзбекбирлашув томонидан берилади. Бунда умумиттифоқ ва жумҳурият фондига маҳсулот етказиб бериш планларининг бажарилиши, қайта ишлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш программалари таъминланиши, бозор нархларининг аҳолининг қурби етадиган даражада пасайтирилишини таъминлайдиган ҳажмда ва турдаги шундай маҳсулотлар билан бозорни тўлдириш мажбурий шартлардир.

Жумҳуриятдан ташқарига мева-сабзавот маҳсулотларини жўнатишга пландан ташқари маҳсулот ресурслари мавжуд бўлган тақдирда, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотлари, бинокорлик материаллари ва бошқа материал-техника ресурслари билан ўзаро алмашиш учун рухсат берилади. Амалда олиб чиқиб кетилган маҳсулот ҳажмлари маҳсулот тайёрлаш ва етказиб бериш планларининг бажарилишига киритилади.

Чайқовчиликка йўл қўймаслик мақсадида мева ва сабзавотларни воситачи ва кооператив ташкилотлар олиб чиқиб кетиши тақиқланди. Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигига мазкур маҳсулотнинг жумҳуриятдан ташқарига олиб чиқиб кетилиши тартибига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш вазифаси юкланди.

Бу ҳужжатда қайд этилишича, «Халқ истеъмоли молларининг бир қанча турларини Ўзбекистон ССРдан ташқарига олиб чиқиб кетишни чеклаш тўғрисида»ги қарор қабул қилинганидан сўнг Тошкент, вилоят марказлари ва жумҳуриятнинг бошқа шаҳарларидаги бозорларга мева ва сабзавотларнинг кўплаб турлари келиши анча кўпайди, шунга мувофиқ нархлар ҳам пасайди.

Халқ истеъмоли моллари бир қанча турларининг олиб чиқиб кетилиши анча тартибга солинди. Масалан, мева-сабзавот маҳсулотлари, асал, гуруч, бинокорлик материаллари ва бошқа моллари жўнатишга кўплаб урунишларнинг пайи қирқилди.

Шундай қилиб, мазкур қарор чиққан вақтдан буён ўтган давр мобайнида автомобиль йўлларида, темир йўл вокзалларида, аэропортларда уч юзта ана шундай уриниш аниқланган ва жумҳуриятдан ташқарига олиб чиқиб кетилиши тартибига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш вазифаси юкланди.

Бу ҳужжатда қайд этилишича, «Халқ истеъмоли моллари бир қанча турларини Ўзбекистон ССРдан ташқарига олиб чиқиб кетишни чеклаш тўғрисида»ги қарор қабул қилинганидан сўнг Тошкент, вилоят марказлари ва жумҳуриятнинг бошқа шаҳарларидаги бозорларга мева ва сабзавотларнинг кўплаб турлари келиши анча кўпайди, шунга мувофиқ нархлар ҳам пасайди.

Халқ истеъмоли моллари бир қанча турларининг олиб чиқиб кетилиши анча тартибга солинди. Масалан, мева-сабзавот маҳсулотлари, асал, гуруч, бинокорлик материаллари ва бошқа моллари жўнатишга кўплаб урунишларнинг пайи қирқилди.

Шундай қилиб, мазкур қарор чиққан вақтдан буён ўтган давр мобайнида автомобиль йўлларида, темир йўл вокзалларида, аэропортларда уч юзта ана шундай уриниш аниқланган ва жумҳуриятдан ташқарига олиб чиқиб кетилиши тартибига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш вазифаси юкланди.

Бу ҳужжатда қайд этилишича, «Халқ истеъмоли молларининг

ИҚТИСОДИЁТНИ СОҒЛОМЛАШТИРАЙЛИК, ПУЛ ҚАДРСИЗЛАНИШИ ЎСИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Ёш мутахассисларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Жумҳурият Президентининг фармонлари Ўзбекистон ССР аҳолиси ўртасида кенг қўллаб-қувватланди. Мазкур фармонларга биноан кўп болали оналарга нафақалар икки баравар кўпайтирилди, уруш ва меҳнат ветеранларига янги имтиёзлар берилди, шахсий ёрдамчи хўжаликларда боқилаётган чорва ва парранда озуқа билан кафолатли таъминланиши жорий этилди.

Шундай бўлса-да, ўтиш даври осон бўлмайди. Иллатни зудлик билан даволаш, деб аталган усул халқ хўжалигининг барча тармоқларида корхоналарнинг ялпи хонавайронлигига олиб келишига йўл қўйиб бўлмайди. Жумҳуриятда амалга оширилаётган «Иш билан таъминлаш» компелкс программаси бунга йўл қўймасликка қодирдир.

Кенгашда одамларни иш билан таъминлашдаги кескинликни бартараф этиш учун ишсизлик нафақасини тўлашни ташкил этиш мўлжалланаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Бу тадбирга тахминан икки миллиард сўм керак бўлади. Ишга жойлаштириш тармоғи кенгайтирилади. У ишсизларни рўйхатга олишдан тортиб, бўш иш жойлари борлиги тўғрисидаги маълумотлар автомат банкини яратишгача бўлган муаммолар мажмуаси билан шуғулланади.

Истеъмол моллари ва хизматлар нархи кутилмаган даражада ошиши мумкинлиги Ўзбекистон аҳолисини айниқса ташвишлантирмоқда. Шунинг учун ҳам ҳукуматнинг асосий вазифаси ўтиш даврида Ўзбекистоннинг аҳволи ночорроқ бўлса ҳам ҳар бир кишини кун кечиришнинг энг кам даражаси билан таъминлашдан иборат. Вужудга келадиган тафовутни иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида эмас, балки мутлақ миқдорда қоплаш зарурлиги эътироф этилди. Фақат шу ҳолдагина кам таъминланган, кўп болали оилалар ва кам иш ҳақи оладиган кишилар учун муайян кафолат яратиш мумкин. Бундан бошқа вазифа ҳам келиб чиқади: товон тўлаш миқдоридаги тафовут республика бюджети ҳисобидан қопланмаслиги керак.

Нотиқлар пулнинг қадрсизланиши ўсиб бораётганлиги туфайли кутилаётган йўқотишлар жадаллик билан (камида бир ой ичида) қопланиши кераклиги тўғрисида гапирдилар. Бу тоифага биринчи навбатда пенсионерлар ва кам таъминланган кишилар киради. Якка тартибда уй қуриш учун бинокорлик материаллари харид қилувчиларга ҳам товон тўлаш керак бўлади.

Ўзбекистонда молиявий аҳволнинг ниҳоятда оғирлиги муносабати билан бўлажак ўзгаришлардаги қийинчиликлар, айниқса кучаймоқда. Жумҳурият бюджетида ҳозирги кунда уч миллиард сўм атрофида тақчиллик бор. Лекин бу қарз — жумҳуриятнинг айби эмас. Қарзлар мавжуд номутаносиблик туфайли, Ўзбекистон ССР саноатининг хом ашё ишлаб чиқаришга қаратилганлиги туфайли вужудга келган. Шунинг учун ҳам бозор муносабатларига ўтишнинг мутлақ шарти сифатида қарзлардан кечиш тўғрисидаги масаланинг ҳал этилиши ғоят муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан ҳар бир кишининг ёши, жинси, яшаш жойи ва ҳоказоларга қараб бюджет билан таъминланиши нормативини ўрнатиш керак.

Кечиктириб бўлмайдиган қарорларни талаб қилувчи асосий муаммолар нималардан иборат?

Ер ва ер ости бойликлари Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилувчи жумҳурият халқининг мулки деб, қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилиши зарур. Ана шу бойликлардан жумҳурият манфаатлари йўлида фойдаланиш керак. Фуқароларга оддий моллар ишлаб чиқарувчи майда корхоналарни сотиб олиш ҳуқуқини бериш вақти келди. Йирик корхоналарга келсак, бунда корхонани харид қилишга аҳд қилган меҳнат жамолари учун имтиёзли шартларда қарз фондларини таъсис этиш мақсадга мувофиқдир.

Нотиқлар давлат буюртмасига, биринчи навбатда, пахта толаси, жун, қорақўл, тамаки ва пиллага давлат буюртмаси масаласига алоҳида диққат-эътиборни қаратдилар. Бундай буюртма 50-70 фоиздан ошмаслиги керак. Ана шу шартларга риоя қилинган тақдирдагина бозор муносабатлари рўёбга чиқиши мумкин. Жумҳурият ўз маҳсулотини мустақил равишда тасарруф этиш ва жаҳон бозорига чиқиш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Бу эса валюта ишлаб топиш, уни ишлаб чиқаришни замонавийлаштиришга, истиқболли технологияларни жорий этишга сарфлаш имкони беради.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Р. А. Попов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосарлари Д. Д. Берков, И. Ҳ. Жўрабеков, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Т. Я. Шарипов иштирок этдилар. (ЎзТАГ).



Халқимиз қиш ғамини ёзда е, деб бекорга айтмайди. Зеро, мана шу кунларданоқ чорва молларига мўл-кўл озуқа жамғариб қўйган миришкорлар қишда қийналиб қолишмайди.

Оқолтин районидаги «Фарғона» совхози чорвадорлари ҳам ана шу нақлга амал қилиб, қишловга мўл-кўл озуқа жамғармоқдалар. Хўжалик деҳқонлари 665 гектар майдондаги бедазорга сифатли ишлов бериб, мўл ҳосил олмоқдалар. Уларнинг нияти — бу йил ана шу майдонлардан 8920 тонна пичан жамғариб, ҳар гектар майдондан олинадиган ҳосилдорликни 119,7 центнерга етказишни кўзлаб астойдил меҳнат қилаётирлар.

Дастлабки натижалар бу юксак марра албатта эгалланишидан далолат бериб турибди. Бинобарин, биринчи ўримдаёқ 3586 тонна кўк масса олиниб, 481 тонна пичан тайёрланди ва 1608 тонна сенаж бостирилди. Ҳосилдорлик ҳар гектар майдондан 41,3 центнерни ташкил этди. Йиллик план эса 37 фоизга уддаланди. Айни кунларда беданинг иккинчи ўрими қизғин давом эттирилмоқда.

Суратларда: бригада бошлиғи Жўрахон Раҳимов, комбайнчи Турсунпўлат Мирзақодиров ҳамда олтинчи бўлим далаларида беда ўрими пайти.

А. ТЎРАЕВ олган суратлар.

МАЖБУРИЯТ ҲАМ БАЖАРИЛДИ

Куни кеча жумҳуриятимизнинг Сурхондарё ва Бухоро областлари йиллик планларини бажарганликлари ҳақида ҳикоя қилган эдик. Бугун улар Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди шарафига олган социалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан бажаришгани ҳақида хушхабар олдик. Умуман, ушбу вилоятларнинг пиллакорлари бу йил ҳар қачонгидан кўра шижоат билан меҳнат қилишди. Эрта кўкламданоқ тутзорларга сифатли ишлов берилди. Қуртхоналар сифатли шайланди. Пиллакорларга ҳар томонлама яхши шароит яратиб берилди. Уларга кўмир, темир сўкчаклар тарқатилди. Бу ўз самарасини берди.

Сурхондарёликлар пландаги 1110 тонна ўрнига 1324,8 тонна «кумуш тола» етиштириб, қабул пунктларига топширишди. Йиллик марра салкам 20 фоизга ортиғи билан уддаланди. Ҳар бир қурт уруғидан 52,1 килограммдан хом ашё олинди. Таққослаш учун айтиб ўтамиз: Ўтган йили атиги 1125 тонна пилла топширилганди.

Бухоролик пиллакорлар эришган зафар ҳам таҳсинга лойиқдир. Улар пландаги 3713 тонна ўрнига 4512,1 тонна қийматбаҳо хом ашё тайёрлашди. Йиллик топшириқ 121,5 фоизга уддаланди. Ҳар бир қути қурт уруғидан олинган ҳосилдорлик 63,4 килограммни ташкил этди. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ўтган йилнинг шу даврига келиб вилоятда бор-йўғи 1492 тонна хом ашё тайёрланганди. Бу йилги суръат ҳам юқори бўлди. Теримнинг қизғин кунларида кунига йиллик планнинг 10-12 фоизи миқдорида «кумуш тола» етказиб берилди.

• *Акс-садо*

ХОЛИС БЎЛАЙЛИК

Ўзбек ҳалқида эртак ва афсоналар бисёр. Турмушимизнинг ҳар бир қирраси, ҳар бир босқичига дахлдор ўгитномаларни хоҳлаганча келтириш мумкин. Лекин ҳақиқий аҳвол, кафтдагидек кўриниб турган реал вазият ҳақида афсона тўқиш алам қиларкан одамга. О. Осиповнинг «Труд» рўзномаси саҳифасидаги «Ишсизлик: афсоналар ва ҳақиқий аҳвол» мақоласини ўқиб, яна бир янги туҳматга дуч келганлигимизни англадим.

Хайриятки, «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» рўзномалари мақолага вақтида ва ҳақиқий аҳволни акс эттирувчи фактларга шубҳа туғдирмас даражада муносиб «баҳо» берди. Мана энди биз, ҳақиқий аҳвол қайда-ю, афсона қайдалигини янада теран англадик.

Районимизда ижтимоий ишлаб чиқариш билан банд бўлмаган 6,5 мингдан ортиқ киши бор. Шунинг ярмидан кўпроғи ёшлардир. Бу — афсона эмас, бу — статистик маълумотлардан олинган холис хулоса! Бугунги кунда район партия комитети, Советларимиз ана шундай оғир вазиятдан чиқиш йўлларини, имкониларини ахтараётган бир вақтда ўринсиз шубҳа ва нохолис ёндашувлар орқали бутун бир халқни ҳақоратлаш жоизми? Маиший хизмат соҳаларини кенгайтириш, мавжуд саноат корхоналарини ривожлантириш ва шахсий меҳнат фаолиятларини рағбатлантириш билан фаол шуғулланаётган ҳамда бу хайрли ишнинг бошланишидаёқ минг бир ғов-тўсиқларга учраётган, уларни бартараф қилиш учун барча имкониятлардан фойдаланаётган бир пайтда пешонанга «текинхўр» ва «текинтомоқ» тамғаси ёпиштирилса, чидаб туролмас экан, киши. Бу менинг шахсий фикрим эмас, бу районимиздаги юзлаб, минглаб меҳнаткашларнинг дилларида, мақола муаллифига нисбатан айтилган ва айтилаётган аччиқ-аччиқ гаплари!

Матбуот обрўсига доғ тушираётган, унинг ошкора чиқишларига соя солаётган бундай мухбирларга нисбатан қатъий чора кўрилишини истардик. Бизнинг бу ҳақдаги фикрларимиз Ўзбекистон ССР халқ депутати Н. Саъдуллаевнинг мақоласида келтирилган қуйидаги сўзларга ҳамоҳанг: «Мухбирлар ҳар бир сўзи учун катта маъсулиятни ҳис этишлари, улар қаламга олган халқларининг шон-шарафи ва қадр-қимматини, уларнинг тақдирини ҳурмат қилишлари шарт».

Я. ХАЛИЛОВ,
Қўшработ район партия комитетининг биринчи котиби.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг «Республика аҳолиси шахсий хўжаликларидаги моллар ва паррандаларни ем-хашак билан таъминлаш ва уларда чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисида»ги 1990 йил 10 май Фармонини бажариш учун ушбу Фармонни амалга оширишга қаратилган қарор қабул қилди.

Қарорда колхозлар ва совхозлар аҳолига сотадиган пичан ва ширали озуқаларни шу йилнинг 1 июлидан бошлаб ем-хашак тайёрлаш планига қўшиб ҳисоблаш кўзда тутилган.

Шахсий хўжаликларга сотиш учун давлат ресурсларидан 1990 йилда 400 минг тонна омихта ем ва 60 минг тонна кунжара, 75 минг тонна чигит пўстлоғи, 3,8 минг тонна пуч чигит, 56,6 минг тонна пиво чиқитлари. 1991 йилда 450 минг тонна омихта ем, 60 минг тонна кунжара, 150 минг тонна чигит пўстлоғи, 3,8 минг тонна пуч чигит ва 100,9 минг тонна пиво чиқитлари ажратиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон ССР Давлат план комитетига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва вилоят ижроия комитетларига 1991 йилдан бошлаб давлат ресурсларидан ем-хашакни аҳолининг шахсий хўжаликларига сотиш ҳажмини давлат планига киритиш таклиф қилинди.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, вилоят ижроия комитетлари, жойларда эса — район ва шаҳар ижроия комитетлари аҳолининг шахсий хўжаликларига сотиш учун давлат ресурсларидан ажратиладиган ем-хашак фондларининг эгалари, деб белгилаб қўйилди. Улар ем-хашак ва унга талонларни посёлка, қишлоқ ва овул Советлари ижроия комитетларига тақсимлайдилар.

Ҳар бир посёлка, қишлоқ ва овул Совети ижроия комитети ҳузурида халқ депутатлари ва фаоллардан комиссия тузишга қарор қилинди. Бу комиссия зиммасига давлат ресурсларидан Ўзбекбирлашув базалари ва савдо тармоқлари орқали омихта емни, шунингдек колхозлар ва совхозлар раҳбарлари билан келишилган ҳолда аҳолига сотиш учун ажратиладиган пичан ва ширали озуқаларни рўйхатга олинган молларнинг сонига қараб тақсимлаш ва сотиб олиш учун талонлар бериш вазифаси юклатилди.

Ўзбекбирлашувга бир ой муддат ичида марказий аппаратда, вилоятлар ва районларда ем-хашак савдосини ташкил қилувчи махсус бўлинмалар барпо этиш, магазинлар ва савдо дўконлари шохобчаларини кенгайтириш, шунингдек емхашакни аҳолига етказиб бериш учун кўпроқ транспорт воситалари ажратиш таклиф қилинди.

Жумҳурият Давлат план комитетига Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитети, Дон маҳсулотлари министрлиги билан биргаликда ушбу қарорга асосланиб, илгари тасдиқланган Қорақалпоғистон АССР ва вилоятларга давлат ресурсларидан емхашак фондларини тақсимлашга ўзгартириш киритиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитетига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва вилоят ижроия комитетларига колхозлар ва совхозлар аҳолининг шахсий хўжаликларига 1990 йилда 631 минг тонна пичан, 379 минг тонна ширали озуқалар, 1100 минг тонна кўк ўт, 1991 йилда 1387 минг тонна пичан, 758 минг тонна ширали ем-хашак, 2950 минг тонна кўк ўт сотишини таъминлаш тавсия этилди.

Колхозлар, совхозларга ва хўжаликлараро корхоналарга ем-хашакни шартнома нархларида сотиш, айрим хўжалик, район ёки умуман регионнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, шахсий хўжаликлар билан шартнома тузишни рағбатлантириш тавсия этилади.

Колхозлар ва совхозларга улар аҳолига сотадиган пичан ва ширали озуқаларни етиштириш ва тайёрлашга қилган сарф-харажатларининг 50 фоизини тўлаш кўзда тутилган.

Республика Молия министрлиги ва Қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитетига 10 кун муддатда Ўзбекистон ССР Министрлар Советига ана шу харажатларни қоплаш манбалари тўғрисида таклифлар киритиш топширилди.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, вилоят ижроия комитетларига, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитетига қуйидагилар таклиф этилади:

шахсий хўжаликларга бошқа регионлардан келтириладиган наслли қорамол, шунингдек жумҳурият хўжаликларида етиштириладиган зоти яхшиланган қорамоллардан 1990 йилда 36,2 минг бош ва 1991 йилда 46,9 минг бош сотиш, 1990 йилда 26 минг бош қўй ва эчки, 9500 мингта парранда, 1991 йилда 30 минг бош қўй ва эчки, 12900 мингта парранда сотишни таъминлаш. Бунда шахсий хўжаликларда чорва моллари ва парранда сотиб олиб, сақлашни неклаб қўймаслик;

1990 йил мобайнида ҳар бир посёлка, қишлоқ ва овул Совети ижроия комитети ҳузурида сунъий урчитиш, зооветеринария хизмати ҳамда маҳсулдорлиги кам молларни зотли моллар билан режали асосда алмаштириш билан шуғулланувчи шахсий сектордаги молларга хизмат қиладиган хўжалик ҳисобидаги пунктлар очиш.

Ўзбекистон агросаноат банки зотли, наслли молларни ва зоти яхшиланган молларни сотиб олишда аҳолига ёрдам бериш учун колхозлар ва совхозларнинг буюртмаларига мувофиқ кредит ажратиши шарт.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, вилоят, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советлари ижроия комитетларига мавжуд иш ўринлари ва иш ҳақи фонди ҳисобидан аҳоли хўжаликларида чорвачликни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни мувофиқлаштириб борувчи бўлимлар тузиш, уларнинг зиммасига ем-хашакка бўлган эҳтиёжларни аниқлаш ҳамда шахсий хўжаликларга сотиш учун давлат ресурсларидан ажратиладиган емхашак фондларини тақсимлаш, шунингдек чорва моллари ва парранда сотиб олишда аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш вазифасини юклаш тавсия қилинди

Ўзбекистон ССР Давлат план комитети икки ҳафта муддат ичида марказий аппаратда, вилоят ва район планлаштириш комиссияларида аҳоли шахсий хўжаликларини ривожлантиришни режалаштириш учун қўшимча бўлинмалар тузиш тўғрисидаги таклифларни республика Министрлар Советига тақдим этсин.

Жумҳурият Давлат нарх комитетига Қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитети билан биргаликда аҳолига сотиш учун давлат ресурсларидан ажратиладиган емхашакни сотиш нархларини бир ой муддат ичида кўриб чиқиш ва тасдиқлаш топширилди.

Давлат статистика комитетига шу йил июль ойидан бошлаб ойлик статистика ҳисоботига аҳоли шахсий хўжаликларига давлат ресурсларидан ажратиладиган ва колхозлар ҳамда совхозлар томонидан сотиладиган чорва моллари ва паррандалар сонини, ем-хашак миқдорини киритиш тавсия этилди.

Жумҳурият Қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитети Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитетига ана шундай ҳисоботни тайёрлаш учун зарур маблағ ажратиши керак.

Қарорда Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, вилоят, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советлари ижроия комитетларига:

шахсий секторда гўшт, сут ва бошқа чорва маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг моҳияти ва аҳамиятини ҳар бир хонадонга тушунтириш;

молия-хўжалик фаолияти яқунларини чиқариш, мукофот ёзиш, енгил машиналар ва қишлоқ хўжалик техникасини ажратиш чоғида аҳолига пичан, ширали озуқа ва ем-хашакнинг бошқа хилларини сотиш ҳажмини ҳисобга олиш топширилди.

Жумҳурият ва вилоят рўзномаларининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига, бошқа оммавий ахборот воситаларига ушбу қарор қандай бажарилаётганини мунтазам ёритиб бориш, унинг ижтимоий аҳамиятини таъкидлаш, озиқ-овқат муаммосини ҳал этишнинг муҳим шарти бўлган шахсий хўжаликни юритишдаги илғор тажрибаларни кенг тарғиб қилиш топширилди

ИТТИФОҚ КЎЗГУСИ МАСЪУЛИЯТИ

Марказий матбуотда, Бутуниттифоқ телевидениеси ва радиосида Ўзбекистонимиз ҳақида ҳикоялар тинглаш мароқли, албатта. Бу мақолалар телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар қардошларимизнинг жумҳуриятимиз ҳақидаги тасаввурларини янада бойитиши тўғрисида ўйлаганимизда ана шу журналистик асарлардан, уларнинг муаллифларидан янада хурсанд бўламиз. Совет матбуотида жумҳуриятимиз мавзуида яратилган мақолалар мажмуаси — Ўзбекистоннома аллақачон яратилган экан, унда изланувчан, ўз ишига масъулият билан қаровчи, воқеликни қалбдан пишиқ-пухта ҳис этувчи журналистларнинг хизматлари, ҳиссалари катта. Буни биз, ўқувчилар яхши биламиз ва қадрлаймиз.

Аммо, афсуски, баъзан марказий матбуот саҳифаларида жумҳуриятимизга номуносиб, унинг шанига шак келтирувчи ўта саёз, бир ёқлама ёзилган, шахсий «муносабатлар» маҳсули бўлган мақолаларни ҳам ўқиб қоламиз. Журналист О. Осиповнинг «Труд» газетасида эълон қилинган «Ишсизлик: афсоналар ва ҳақиқий аҳвол» мақоласи ана шундай «асарлар»дан бўлди. Уни ўқир эканмиз, муаллифнинг позициясига ҳеч қачон қўшила олмаймиз. У ҳақиқий аҳволни ниҳоятда бузиб кўрсатган. Шу боисдан ҳам «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» рўзномаларида илгари сурилган фикрни бир овоздан қўллаб-қувватлаймиз. Агар иттифоқдош жумҳуриятлар принципларидан келиб чиқиб, республика Президенти ҳузурида марказий матбуот органларининг ўз мухбирларини расмий равишда вакил этиб тайинлаш амалиёти жорий этилса, Москвадан бу ерга командировка билан келадиган журналистларнинг масъулияти ҳам янада ошган бўлур эди. Уларни бошлаб юрадиган ҳамкасблари меҳмон ижодий сафарининг муваффақиятли тугалланишига ҳисса қўшса қўшардики, ҳом хатала мақолалар майдонга келишига йўл бермасди.

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ,
СССР халқ артисти.

● **Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг «Колхозчилар, совхоз ишчилари, гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ва якка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарори чиндан ҳам қишлоқ хўжалиги тузилишини такомиллаштиришда туб ўзгариш қилди.**

Ушбу ҳужжатга мувофиқ, бир миллион 385 мингдан ортиқ оила янги томорқалар олди ва мавжуд томорқа ерларини кенгайтирди, бунинг учун ижтимоий сектордан 162 минг гектардан кўпроқ экинзор ажратиб берилди.

Колхозчилар, совхоз ишчилари, республиканинг бошқа қишлоқ меҳнатчилари шахсий хўжалигини ривожлантиришга бундай эътибор Озиқ-овқат программасини бажаришда, биринчи навбатда аҳолини гўшт ва сут каби ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда бундай хўжаликлар катта ўрин тутганлиги билан изоҳланади.

Ана шу кенг миқёсли ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар ҳозирнинг ўзидаёқ натижа бера бошлади, бу натижалар яқин йиллар ичида ортиб бораверади.

Томорқа участкаларининг кенгайтирилиши ва улардан оқилона фойдаланиш — чорвачликнинг озуқа базасини ривожлантиришнинг самарали йўлларидан бири дир. Аммо бунда ҳам шахсий хўжаликларнинг ем-хашак, айниқса омихта емга эҳтиёжи тўла-тўкис таъминланмайди. Кўп жиҳатдан худди шу сабабли 820 минг шахсий хўжалик умуман сигир боқмаган. Ўтган йили хонадонларнинг ярмида қўй ва эчки боқилмади. Бунинг устига 445 минг хўжалик умуман чорвачилик билан шуғулланмади.

Шахсий хўжаликларга бузоқлар ва қўзилар, жўжалар сотишни кўпайтириш, зооветеринария хизматини яхшилаш билан боғлиқ бир қанча масалаларни ҳам ҳал этишга тўғри келади. Емни тақсимлашнинг мавжуд системасини ва уларни сотиш нархларини, аҳоли чорва моллари ҳамда парранда сотиб олиши учун кредит бериш тартибини кўриб чиқиш, бошқа масалаларга аниқлик киритиш зарурати етилди.

Буларнинг ҳаммаси колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, бошқа қишлоқ аҳолисининг шахсий хўжаликда чорвачиликни ривожлантиришдан манфаатдорлигини оширишга, пировард натижада эса ҳам қишлоқ, ҳам шаҳар аҳолисини чорва маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга олиб борадиган реал шарт-шароитларини яратувчи кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этди.

Ана шу чора-тадбирлар мажмуи Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Президентининг 11 май куни матбуотда эълон қилинган Фармонида ўз ифодасини топди. Энди эса биз республика Министрлар Советининг қарори билан таниш-моқдамиз, унда мазкур давлат ҳужжатини амалга оширишнинг аниқ чора-тадбирлари белгилаб берилган. Шуни таъкидлаймизки, фармон ва қарор ҳам деҳқонларнинг, ҳам бутун жумҳурият халқ хўжалигининг манфаатларини кўзлаб қабул қилинган.

Хўжаликларнинг аҳолига ем-хашак сотишдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида 1990 йил 1 июлдан бошлаб, пичан ва ширали озуқаларни колхозлар ҳамда совхозларнинг ем-хашак тайёрлаш планининг бажарилишига қўшиб ҳисоблаш кўзда тутилди. Шундай қилиб, шу йилиёқ аҳолига 631 минг тонна пичан, 379 минг тонна ширали озуқа, 1100 минг тонна беда ва ширали озуқа, келгуси йилда эса 1387 минг тонна пичан, 758 минг тонна ширали озуқа ва 2950 минг тонна беда сотилади.

Шахсий хўжаликларга давлат ресурслари ҳисобидан тағин ҳам кўпроқ мадад бернлади. Омихта ем сотишни 1990 йилда 400 минг тоннага, 1991 йилда эса 450 минг тоннага етказиш ёки 1989 йилдагига нисбатан 2,7—3 баравар кўпайтириш кўзда тутилди.

Чигит пўстлоғи, пуч чигит ва пиво тўпони сотиш анча кўпаяди. Давлат ресурсларидан ажратиладиган ем фондларининг эгалари — Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, вилоят ижроия комитетлари, жойларда эса район ижроия комитетларидир. Бунда маҳаллий Советларнинг мавқеи анча ошади. Чунки район ижроия комитетлари фондларни ва ем сотиб олиш учун талонларни посёлка, қишлоқ, овул Советларининг ижроия комитетларига тақсимлаб берадилар. Бу ерда халқ депутатлари ва фаолларидан комиссиялар тузилиши зарур, бу комиссиялар талонларни колхозчилар, совхоз ишчилари ва бошқа гражданларнинг шахсий хўжаликларига улардаги рўйхатга олинган молларнинг сонига қараб бевосита тақсимлаш билан шуғулланадилар. Мол эгаси ана шу талонни Ўзбекбирлашув базаси ёки магазинига кўрсатиб, ем сотиб олади. Ихтисослаштирилган магазинлар ва савдо дўконлари шохобчаларини кенгайтириш, зарур бўлган жойларда эса емни олиб келадиган кўчма дўконларни ташкил этиш лозим.

Комиссиялар зиммасига хўжаликларнинг раҳбарлари билан биргаликда пичан, лавлаги, беда ва маккажўхорини тақсимлаш вазифаси ҳам юклатилди. Бунда колхозларга, совхозларга, хўжаликлараро корхоналарга ана шундай ем-хашакни шартнома нархларида сотиш тавсия этилди. Бинобарин, шахсий хўжаликларнинг шартнома асосида чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришдан манфаатдорлиги ошади. Айни вақтда шахсий хўжаликларга сотиш учун ем-хашак етиштириш харажатларининг ярмини колхозлар ва совхозларга тўлаш кўзда тутилган.

Президент Фармони ва ҳукумат қарорида шахсий хўжаликларнинг бошқа эҳтиёжларига ҳам катта эътибор берилган. Чунончи, 1990—1991 йилларда аҳолига 83,1 минг тонна бузоқ, 56 минг та чўчқа боласи, 427 минг та қўй ва эчки, 22,4 миллионта жўжа сотиш кўзда тутилган. Бу эса бундан олдинги икки йил ичида сотилганидан анча кўп.

Ўзбекистон агросаноат банкига колхозлар ва совхозларнинг буюртмаларига мувофиқ мол сотиб олишда аҳолига ёрдам бериш учун кредит ажратиш топширилди.

Шахсий хўжаликлардаги молларга зооветеринария хизматини яхшилаш учун 1990 йилнинг охиригача ҳар бир посёлка, қишлоқ, овул Совети ижроия комитети ҳузурида хўжалик ҳисоби асосида ишлайдиган ана шундай хизмат кўрсатиш пунктлари тузиш режалаштирилган.

Яна бир муҳим жиҳат: колхозлар, совхозларнинг молиявий-хўжалик фаолияти якунларига баҳо беришда, енгил автомашиналар ва қишлоқ хўжалик техникасини ажратишда жамоат секторидан аҳолига ем-хашак қанча сотилгани ҳисобга олинади.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, вилоят, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ, овул Советларининг ижроия комитетларига шахсий хўжаликларда чорвачиликни ривожлантириш билан боғлиқ барча масалаларни мувофиқлаштириб бориш, ҳал этиш ва ижрони назорат қилиш топширилди.

Шу тарика қишлоқ меҳнатчисининг ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлашда яна бир қадам қўйилди, шахсий хўжаликларни мустаҳкамлашнинг, озиқ-овқат фондларини тўлдиришнинг, аҳоли турмуш даражасини оширишнинг пухта негизи яратилди.

• *Номерга хабар*

Табиий офат билан юзма-юз

Чортоқ районида табиий офат рўй берди. 31 майга ўтар кечаси кучли жала бўлди. Районнинг юқори қисмидаги қир-адирликлардан Мичурин номли, «Ленинизм», «Комсомолобод», «Ўзбекистон» совхозларининг экин майдонлари томон сел оқа бошлади. Натижада бу хўжаликларда 4 минг гектардан зиёд майдондаги картошка, карам, пиёз каби сабзавот экинлари, узумзорлар жиддий шикастланди. Кучли сел саксида насос станцияси, 10 та кўприк ва 20 га яқин чорва молларини оқизиб кетди. Уйжой бинолари, аҳоли пунктлари ёмғирдан шикастланди. Район иқтисодиёти ҳаммаси бўлиб ярим миллион сўм зарар кўрди. Лекин одамлар ҳалок бўлгани йўқ.

Районда табиий офат содир бўлган пайтданоқ уни бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилди. Эрталаб районга етиб келганимизда партия, совет ташкилотлари вакиллари ва мутахассислардан иборат группалар ишга киришиб кетган эди. Биз «Ленинизм» совхозида бўлдик. Бу ерда жами экин майдонининг 396 гектари талафот кўрган. Далаларда помидор, карам экинларини лойқа босиб ётибди. Ариқлар, насос станцияларини сув ювиб кетган. Умуман, шу хўжаликнинг ўзи табиий офатдан 137 минг сўмдан зиёд зарар кўрган. Пешқўрғон ва Бештол қишлоқларини бирлаштирувчи сув олиб кетган кўприк ёнида одамлар гавжум. Қорасувсой бўйлаб бироз юргандик, сел мол, эчкиларни ташқарига чиқариб ташлаганини кўрдик.

Районнинг бошқа хўжаликларида ҳам табиий офатни бартараф этиш учун одамлар бир тану бир жон бўлиб курашмоқда. 800 га яқин шикастланган турар жой бинолариди истиқомат қиладиган кишиларга тез ёрдам чоралари кўрилялти.

— Районимиз табиий шароити жуда ҳам оғир, — дейди район партия комитетининг биринчи котиби Т. Пўлатов. — Табиий офатнинг рўй бериши биринчи марта эмас. Шу йилнинг ўзида мана шундай ҳол уч марта такрорланди. Айниқса, апрель ойида бўлиб ўтган жала жуда катта моддий зарар етказди. Ўша пайтда районимиз хўжаликлари 6 миллион сўм моддий зарар кўрган эди. Ҳозирги кунга келиб бу моддий зарар янада кўпайди. Биз, Чортоқ райони меҳнаткашлари бу табиий офат оқибатини ўз кучимиз билан, ҳатто, область миқёсида бартараф қилолмаймиз. Бизга юқори партия, совет органларидан ҳам ёрдам беришларини илтимос қиламиз.

Ҳа, Чортоқ районн меҳнаткашлари табиий офат билан юзма-юз туриб меҳнат қиляптилар. Уларга фақат сўзда эмас, балки амалда яқиндан кўмаклашиш керак.

А. МАДАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Бугун—Болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни

Элда азизлар

Пойтахтимизнинг Октябрь районидаги Максим Горький номли 27-болалар боғчасида 440 нафар ўғил-қиз тарбияланади. Фотима опа ўттиз йилдирки, ана шундай кичкинтойлар билан бирга. Улар қувончи унинг қувончи, келажак авлод ташвиши унинг ташвиши.

— Боғчамизда болаларнинг шодон кулгулари янграши учун барча шарт-шароит яратилган. Уларнинг кўнглига йўл топиб, мурғак қалбларига эзгулик уруғларини сепишни устозим Робия Валиевадан ўрганганман. Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида Робия опа менга «Фотима, сен ҳамиша болаларга меҳр-шафқатли бўлиш ҳақида гапиргин. Болаларнинг қалби жуда нозик, уни дарз кеткизма. Ана шундагина улар сенинг қадрингга, меҳнатингнинг самарасига тушуниб етадилар, деб уқтирардилар, — дейди ғурурланиб боғча мудираси Ф. Аҳмедова.

У ҳамиша кичкинтойлар даврасида бўлади. Шунда юрагида ўз меҳнатидан, касбидан қониқиш ҳиссини туяди. У боғчада кичкинтойларга барча шарт-шароитлар яратиш учун елиб-югуради. Шу боис боғча замонавий анжомлар билан жиҳозланган, лингафон, метод хоналари мавжуд. Айниқса, ҳар кварталда район халқ таълими бўлими томонидан ажратиладиган маблағдан коллектив билан бамаслаҳат, оқилона фойдаланишга ҳаракат қилади. Ота-оналар ундан миннатдор. Шунингдек, ўз меҳрлари, ширин муомалалари билан болалар қалбига йўл топаётган Манзура Муҳамедова, Феруза Тошмуҳамедова сингари тарбиячилардан мамнун бўлишмоқда.

Фотима Аҳмедованинг камтарин меҳнати партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи», «СССР халқ маорифи аълочиси»дир.

Кичкинтойларнинг суюкли мураббияси элюрт ҳурматига сазовор аёл. Зеро, халқимизнинг «Меҳнат қилган элда азиз» деган ҳикмати бежиз айтилмаган.

Н. ТИЛЛАЕВА.

Суратда: Ф. Аҳмедова бир гуруҳ тарбияланувчилар орасида.

Т. Лутфуллаев сурати.

● БОЛАЛАРИНГИЗГА ЎҚИБ БЕРИНГ

ЎРДАГИМ

Ўрдагим севар сўвин,
Сувда сузар ҳар кунин.
Ёмғир ёққанда бироқ
Қочиб қолиши чатоқ.

ҚАРМОҚ

Нафсхўр балиқларнинг
Нозик жойин билар у.
Ҳўраги билан сийлаб,
Тумшуғидан илар у.

ҲАВАС

Жирафанинг бўйини
Кўриб: — Қойил! — дер Енгин.
Шўхлик қилса ҳам биров
Чўзолмаскан қулоғин.

ҲАШАРДА

Кунгабоқар пишганда
Далалар яшнаб кетар.
Жилмайиб туришлари
Қуёшга ўхшаб кетар.

Тоғам «Бўл» деб
шоширар,
Мен-чи, жим ёр чизаман.
Шундай гўзал «қуёш»ни
Қандай қилиб узаман!

СЎҚМОҚ

У кичкина,
У нимжон,
Пилдирайди,
Йўртади.

Дадил юрсанг,
Қўрқмасанг,
Катта йўлга
Элтади.

Ҳамидулла МУРАТОВ.

Шукур Толипович ТОЛИПОВ

Ўзбекистон фани оғир жудоликка учради — Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Шукур Толипович Толипов 1990 йил 28 май куни 83 ёшида тўсатдан вафот этди.

Ш. Т. Толипов 1908 йилда Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳрида туғилди. 1923 йилда Қозоғистон маориф институтини тамомлаганидан кейин В. И. Ленин номли Ўрта Осиё давлат дорилфунунининг кимё факультетига ўқишга кирди ва ўша пайтдан буён унинг ҳаёти ва илмий ижоди бутун Ўзбекистон билан боғлиқ бўлди.

Ш. Т. Толипов В. И. Ленин номли Тошкент давлат дорилфунунининг кимё факультетига 40 йилдан кўпроқ вақт бошчилик қилди ва жумҳуриятда кимё таълимини ривожлантиришга, кимё фани бир қанча соҳаларининг вужудга келишига катта ҳисса қўшди. Ўзбекистонда аналитик кимёгарлар мактабининг вужудга келиши унинг номи билан боғлиқдир. Олим раҳбарлигида жуда катта назарий ва амалий аҳамиятга молик бир қанча муҳим тадқиқотлар ўтказилди. У кўпдан-кўп ихтиролари учун муаллифлик гувоҳномаларига эга.

Ш. Т. Толипов катта илмий-жамоатчилик ишлари олиб борди. Узоқ йиллар давомида СССР Фанлар академияси аналитик кимё илмий кенгашининг Ўрта Осиё бўлимига бошчилик қилди. У ихтисослаштирилган илмий кенгаш ва Ўзбекистон кимё журнали муҳарририятининг аъзоси эди.

Ш. Т. Толипов Меҳнат Қизил Байроқ, Халқлар дўстлиги, «Ҳурмат Белгиси» орденлари, Вьетнам Демократик Республикасининг Дўстлик олтин медали ва бошқа медаллар билан мукофотланган.

Ш. Т. Толиповнинг ёркин хотираси унинг дўстлари, сафдошлари, ҳамкасблари ва шогирдлари қалбида ҳамиша сақланиб қолади.

Ж. Ҳ. Ҳамидов, Ў. Умарбеков, Ш. А. Алимов, М. С. Салоҳиддинов, Э. Ю. Юсупов, К. С. Аҳмедов, М. Н. Набиев, З. С. Салимов, Ҳ. У. Усмонов, С. Ю. Юнусов, Н.А. Парпиев, У. Н. Мусаев, А. У. Назаров, М. Орипов, Т. С. Сирлибоев, Ҳ. А. Аслонов, Р. С. Тиллаев.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарорининг сатрлари заминида

ШОВ-ШУВГА ҚАРШИ—ТАРТИБ

Бир кишига эллик беш қоп шакар чой учун кўплик қилади. Шўнча шакар самогон аппарати ёки чайқовчилик учун сотилган, деса тўғрироқ бўлади. Олис Бугуруслан шаҳридан келган киши билан унга хизмат кўрсатган Қаршидаги магазин сотувчиси ана шу «битимга» турли важларни кўрсатишмоқда... Милиция билан суд ишни ўзи аниқлаб олади. Сиз билан биз эса яна бир рақам устида ўйлаб кўрайлик: ўша қопларда Қарши шаҳрига фонддан ажратилган шакар бор эди ва бу шакарни бир ярим минг оила камтарона миқдорда, бир кишига икки килограммдан олиши керак эди. Демак, бир ярим минг оила икки виждонсиз корчалоннинг «ширин турмуши»га ҳақ тўлашига тўғри келган.

Ҳа, бугунги кунда бор бўлган ҳамма нарсаларни ҳисобга олишга, ҳаммага етиши учун адолатли тарзда тақсимлашга тўғри келмоқда. Бунинг сабаби молларнинг етишмаслигидагина эмас. «Таштекстильшвейторг»нинг қизиқарли маълумотини кўрайлик: йил бошидан буён у улгуржи базалардан, саноат корхоналаридан миллион сўмлик кийим-кечакни қўшимча тарзда олиб, магазинларга топширган, бу нарсаларнинг ҳаммаси сотиб бўлинган.

Пештахталарда харидорларни йиллаб кутиб ётган моллар ҳам «супуриб» кетилган. Йўқолиб кетган молларнинг кўпи эса узоққа борадиган поезд ва самолётларга тушаётган айрим пассажирларнинг юклари орасидан, ҳатто кўп юк ортиладиган автомобилларнинг кузовидан топилган.

Афтидан, баъзи кимсалар мамлакатимизнинг турли минтақаларида вужудга келаётган талаб-эҳтиёжларни диққат билан ўрганиб, чайқов бозоридаги нарх-навонинг турлича эканидан фойдаланиб, чўнтакларини қаппайтириб олаётган кўринади. Бошқа бир сабаблар ҳам бор, деб айтиш учун асослар мавжуд: ваҳимали талаб бирон-бир молнинг етишмовчилигидангина келиб чиқаётгани йўқ. Шов-шув пинҳона иқтисодиёт корчалонлари томонидан сунъий равишда авж олдирилиб, баъзи савдо ходимлари улар билан тил бириктирмоқдалар.

Яна бир жиҳат бор. Минтақа бозорларидаги вазият ҳақидаги хабарларни диққат билан кузатаётган кишилар бир қанча шаҳарларда, вилоятларда бутун-бутун жумҳуриятларда талаб-эҳтиёж таклифдан анча ўзиб кета бошлаган мураккаб шароитда маҳаллий истеъмолчиларни ҳимоя қилишга доир фавқулодда чора-тадбирлар кўра бошлаганликларини таъкидлашди. Ленинградда, Болтиқбўйи республикаларида... ана шундай бўлди. Баъзи қўлларда магазинда паспорт ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат кўрсатилиши талаб қилинди, бошқа қўлларда махсус ташриф карточкаси жорий этилди. Яқиндагина эса Москва Совети ана шундай чекловлар жорий этилганини эълон қилди.

Бу маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатига киради. Лекин ана шундай ғовларга дуч келган кўпгина «ишбилармонлар» савдода алоҳида чекловлар ҳамон жорий этилмаган бошқа ўлкалар томон ўрмалаб қолишди. Бундай «ҳужум» улгуржи базаларимиз, магазинларимиз заҳиналарига жиддий зарар етказди.

Бошқарилиб туриладиган бозор иқтисодиётига ўтиш билан бир қанча чакана нархларни қайта кўриб чиқиш мўлжалланаётгани билан боғлиқ гап-сўзлар ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Баъзилар бирваракайига ҳамма нарсани — беш-олтита қозон-товоғу, кўплаб тугуртгача сотиб ола бошлашди. Буларнинг ҳаммасини сақлайдиган жой бўлса, нима ҳам дердик...

Лекин ҳатто эртага ташлаб юборишга тўғри келадиган моллар ҳам пештахталардан олиб кетилмоқда: дондума мита тушиб кетади, ёғ айниб қолади, бизда 2000 йилгача етадиган совун ғамлаб олган оилалар кам дейсизми?

Шов-шув молларнинг нотўғри тақсимланишигагина эмас, чайқов учун қулай заминнинг эмас, балки кейинчалик ҳеч ким истеъмол қила олмайдиган, ния олмайдиган нарсаларнинг беҳуда ташиб келтирилишига, айниб қолишига сабаб бўлади.

Шундай қилиб, маҳаллий истеъмолчиларнинг манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш навбати бизга ҳам етиб келди. Жумҳурият Министрлар Советининг 30 май куни эълон қилинган «Ўзбекистон ССР аҳолисига озиқ-овқат ва саноат молларини сотишни барқарорлаштиришга доир муваққат чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бозорни тартибга солишга қаратилгандир.

Тўғрисини айтамиз — бундай қарор қабул қилиш қийин бўлди, лекин ўзга иложимиз йўқ эди. Муваққат чора-тадбирлар тўғрисида гап бораётганлиги тасодиф эмас. Шунга хос бир мисол келтирайлик: апрель ойида жумҳурият ҳукумати айрим молларни Ўзбекистондан ташқарига олиб чиқиб кетишни чеклаш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Лекин мазкур моллар билан маҳаллий бозорни тўлдириш сари ижобий силжишлар кўзга ташланиши биланоқ минтақаларароҳ ўзаро фойдали негизда маҳсулот айирбошлаш муносабатларини ривожлантиришга кўмаклашадиган қўшимчалар зудлик билан киритилди.

Савдо ташкилотларидан олинган ахборот ҳам кишига умид бағишлайди: кейинги кунларда ун, ёрма, ўсимлик мойи ва кундалик эҳтиёж молларининг бошқа бир қанча турлари савдоси ошганлигига қарамай, магазинлардан кўплаб тушаётган буюртмалар ҳам қондириляпти. Юртдошларга маслаҳат беришни истардик: индингагина керак бўладиган нарсалар базада, магазинда турасин — у ерда бу нарсаларни сақлаб, сўнгра сизга беришади!

Ҳозирча эса магазинларимизни шов-шувдан фойдаланиб қоладиган ҳавасқорлардан тўсиб қолиш учун маълум вақтгача ёнимизда паспорт, хизмат гувоҳномамиз, пенсия дафтарчаси — биз Ўзбекистонда яшашимиздан дарак берувчи ҳар қандай ҳужжатни олиб юришимизга тўғри келади. Бунда республика бутун ҳудудидаги магазинларга кириш ҳуқуқимиз сақланиб қолади. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари эса ўз ресурслари ва конкрет шарт-шароитларидан келиб чиқиб, бир кишига нимани қанча миқдорда беришни белгилайдилар.

Бир кишининг оиласида ўнта фарзанди бўлса-чи? Демак ўн кишига лойиқ мол берилади! Бунда маҳалладан ёки қишлоқ Советидан олинган маълумотнома ҳам кифоя қилади. Оилавий байрам ёки халқ анъаналари ва урф-одатлари билан боғлиқ бошқа маросимлар бўлган тақдирда ҳам зарур нарсалар билан таъминланилади. Уруш ва меҳнат ветеранларининг ҳам ташвишланишларига ўрин йўқ. Қабул қилинган чора-тадбирлар уларга хизмат кўрсатиш тартибига таъсир этмайди. Сайёҳлар, Ўзбекистоннинг бошқа меҳмонлари ҳам унутилгани йўқ.

Аммо ҳукумат тақиқ чоралари билан чекланиб қолмади. Савдо ташкилотларига пландан ташқари ишлаб чиқариш ҳисобидан ҳам, жумҳурият ташқарисида маҳаллий харид қилиш йўли билан ҳам молларни ғамлаб олиш вазифаси топширилди. Ўзбекистон тасарруфида бўлган ресурслар жумҳуриятга шундай ўзаро манфаатли алмашишларга имкон беради.

Яна бир жиҳат: Ўзбекбирлашувга шундай алмашувлар учун хорижий фирмалар билан бевосита шартномалар бўйича матлубот кооперациялари олган баъзи чет эл молларидан ҳам фойдаланиш тўғрисида топшириқ берилди. Айни вақтда савдо қоидаларига риоя қилиш устидан назорат кучайтирилмоқда. Яширишнинг ҳожати йўқ — магазинлар ва базаларда молларни яшириб қўйиш, чайқовчилик, юқорида қайд этилган шакар найранги каби битимлар тузиш қоллари ҳамон учраб турибди. Савдода тартиб ўрнатиш ишида ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари билан бирга жамоат назоратчилари, касаба уюшмалари идоралари ҳам қатнашишлари керак.

Қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг аҳамиятини доимо содда қилиб тушунтириб бориш, савдо қоидаларининг бузилишидаги ҳар бир ҳолатни, ҳатто можароли вазиятларни диққат билан текшириш зарур.

Ҳар қандай қоида тартибни ҳам приоврд натижада бутун жамият ва ҳар биримизнинг манфаатларимизни ҳимоя қилувчи муайян доираларни ҳам кўзда тутишини эслатиб ўтиш керакмикан. Белгиланган қоидаларга амал қилибгина, биз савдо каби муҳим ижтимоий-иқтисодий соҳадаги тартибни сақлаб қола олишимиз билан бирга, бозордаги вазиятнинг тубдан яхшиланишига замин ҳам ярата оламиз. Бу каби мураккаб вазиятда бизнинг гражданлик етуклигимиз синовдан ўтади.

ЎзТАГ шарҳчиси.

● *Ўзбекистон ва жаҳон*

Хитой олимлари сафари

● Ўзбекистон ва Хитой жумҳуриятлари ўртасида дўстлик алоқалари ривожланиб бормоқда. Илмий-тадқиқот муассасалари, корхоналар ва хўжалик ташкилотлари ўртасидаги муносабатлар бунга мисол. Яқинда Хитой Фан ва техника федерацияси вакиллари мамлакатимиз ва жумҳуриятимиз бўйлаб бир неча кун сафар қилишди. Мутахассислар гуруҳи корхоналар ва муассасаларда бўлиш билан бирга СССР илмий ва инженерлик жамиятлари уюшмасининг Ўзбекистон бўлими раҳбарлари билан музокаралар олиб бордилар, келгусида амалга оширилиадиган тадбирлар юзасидан шартнома имзоладилар. Хитой фан ва техника федерацияси раисининг ўринбосари, гуруҳ раҳбари Гао Чженьнин мухбиримиз билан суҳбатлашди.

— Хитой ва Совет Иттифоқи қўшни ва дўст мамлакатлардир. Кейинги йилларда ҳар иккала мамлакатда олиб борилаётган туб ислоҳот ва қайта қуришлар кўп соҳаларда фойдали ҳамкорлик қилишимизга имконият яратди. Гуруҳимиз аъзолари халқ хўжалигининг турли соҳалари мутахассисларидир. Биз пахтачилик, ипакчиликдан тортиб, электроника соҳаларида ҳам илмий-амалий ҳамкорлик қилишимиз мумкин.

— Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлиги туфайли Тошкентда иш бошлаган термос корхонаси маҳсулотлари сизларга манзур бўлдими?

— Бундай ҳамкорлик корхонаси дуруст ишлаётганлиги айни муддао. Ундаги меҳнат жараёни билан қизиқиб танишдик. Тошкент термослари сифати чакки эмас. У ҳозирги талаб даражасида. Келгусида бундай ҳамкорлик корхоналари кўпайишига ишончим комил. Чунки бизда ҳам, сизда ҳам ўрганса арзийдиган тажрибалар бор.

— Тарих саҳифаларидан маълумки, ўтган асрлардан бери Буюк ипак йўли, деган ибора бор. Ҳозирги тараққий этган асрда бу карвон йўли манзиллари кенг йўлга қўйилади, деб айта оласизми?

— Буюк ипак йўли ҳақиқатан ҳам ўтмишда кўп мамлакатлар ўртасида фақат савдо ишлари бўйича эмас, балки ҳунармандчилик, санъат, адабиёт, табобат бўйича ҳам аҳамият касб этган. Ҳозир биз бу ипак йўлини қайта тиклаб, янги мазмун билан бойитишимиз керак. Бунинг учун иккала мамлакатда илмий ва техника ютуқлари етарлидир. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, илмий ва инженерлик жамиятлари уюшмасининг Ўзбекистон бошқарув раиси Турсун Рашидов билан бўлган суҳбатимизда ҳам худди шу ҳақда гап борди. У киши бизга Ўзбекистон илмий кучларининг ютуқлари ва ҳозирги муаммолари ҳақида батафсил гапириб берди.

Биз Ўзбекистон мутахассислари гуруҳини шу йилнинг кузида Хитойда кутиб оламиз, илмий ва инженерлик соҳалари бўйича алоқаларимиз режаларини пухта ишлаб чиқамиз.

А. ПЎЛАТОВ.

СССР ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ КОМИТЕТИДА

1986 йилда Арманистон давлат картиналар галереяси экспозициясидан И. Левитаннинг «Эрта баҳор. Шафақ» асари ўғирланган ва сотиш мақсадида чет элга яширинча олиб чиқиб кетилган эди. СССР ва Арманистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетлари ўтказган қидирув натижасида суратнинг қаердалиги аниқланди. Ҳозир чекистлар ҳамкорлигида ва Англиянинг машҳур «Сотбис» фирмаси ёрдамида халқимиз миллий маданияти мулки бўлган бу сурат расмий йўл билан Совет Иттифоқига қайтарилди.

● *Спорт* ●

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

МУНОСИБ ЎРИНБОСАР

Оромгоҳ шаҳар Сочида «Мавсум совғини» учун ўтказилган Бутуниттифоқ турнирида юқори натижалар қайд этилди. Мусобақада иштирок этган тошкентлик Виктор Риженко маҳорат кўрсатиб, мутахассислар назарига тушди. У жумҳуриятимизда лангар билан сакраш усталари кўпайиб бораётганини яна бир бор намойиш этди. Таниқли спортчимиз Радион Гатаулин йўлидан изланаётган бу йигит 5 метру 75 сантиметрли маррани эгаллаб, ғолиблик супасига кўтарилди.

КУРАШ:

ҒОЛИБЛАР САФИДА

Брянск шаҳрига дзюдочи хотин-қизлар тўпланишди. Бутуниттифоқ беллашувида 200 дан ортиқ спортчи қатнашди. Ғолиблар Венгрияда ўтказиладиган «Дўстлик» мусобақасига йўлланма олдилар. Бундай йўлланма тошкентлик И. Новогородцева билан С. Шамсуддиновга ҳам насиб этди.

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

ОРОЛБЎЙИГА ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛСИН

30 май куни Урганчда СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги коллегиясининг сайёр мажлиси бўлиб ўтди. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг 1100-қарори асосида Оролбўйи аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш билан боғлиқ муаммолар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистон Соғлиқни сақлаш министрликлари раҳбарларининг экология, санитария ҳолати, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида Хоразмда, Қорақалпоғистон АССРда, Туркманистоннинг Тошҳовуз вилоятида ва Қозоғистон ССРнинг Қизилўрда вилоятида ўтказилган тадқиқотлар натижаларига доир ахборотлари тингланиб, муҳокама қилинди. Орол бўйидаги тўртта вилоятнинг барчасида ичимлик сув сифати ёмонлашаётганлиги — у давлат стандарти талабларига 60—70 фоиз мувофиқ эмаслиги таъкидланди. Табиий комплексларнинг турли заҳарли химикатлар билан булғаниши ҳоллари камаймаяпти — Хоразм вилоятининг ўзидагина ҳозир қирқ хил ана шундай заҳарли химикатлар қўлланилмоқда. Қорақум зонасидаги катта ҳудудда атроф-муҳитни хатарли тарзда булғовчи манбага айланиб қолган химикатлар ва фойдаланиб бўлинган идишлардан иборат жуда катта ахлатхона вужудга келган.

Оролбўйида экология вазиятини ёмонлашуви аҳоли ўртасидаги касалликларнинг муттасил кўпайиб бораётганлиги билан чамбарчас боғлиқлиги таъкидланди. Бу ҳомиладор аёллар, чақалоқлар ва эмизикли оналар соғлиғига, айниқса ҳалокатли таъсир этмоқда.

Шу билан бир вақтда бу ердаги мавжуд соғлиқни сақлаш моддий техника базаси талаб-эҳтиёжлардан анча орқада қолмоқда, тиббий муассасаларнинг кўпи мослаштирилмаган биноларда жойлашган, уларнинг аксариятида водопровод, канализация йўқ, деярли барчаси беморлар билан тўлиб кетган. Минтақада мутахассис врачлар, тиббиёт ускуналари, дори-дармон, бир марта ишлатиладиган системалар етишмаяпти.

Мажлисда Хоразм вилоят партия комитетининг биринчи котиби, СССР халқ депутати Р. М. Худойберганова нутқ сўзлади.

Коллегия ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ў. Р. Умарбеков иштирок этди. (ЎзТАГ).

Реклама ва эълонлар

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ

1990-1991 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА КУНДУЗГИ БЎЛИМНИНГ I КУРСИГА

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолиятининг таҳлили, агросаноат комплекслари тармоқларини бошқариш ва унинг иқтисоди, агрохимия ва тупроқшунослик, агрономия, мева-сабзавотчилик ва узумчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ипакчилик, қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилиги ва ирсияти, зоотехника, ўрмон ва боғ-кўкаламзорлаштириш хўжаликлари (ўрмон мелиорацияси ва боғ-кўкаламзорлаштириш).

Кундузги бўлимга ёши 35 гача бўлган тўлиқ ўрта маълумотли ёки ўрта махсус ўқув юртларини тугаллаган йигит-қизлар қабул қилинади.

Олий ўқув юрти жамоа ва совет хўжаликларида, чорвачилик комплексларида, илмий-текшириш ташкилотларида ҳамда агросаноат комплексининг турли соҳаларида ишлаш учун юқори малакали мутахассислар: бухгалтерия ҳисоби бўйича иқтисодчилар, агросаноат комплекси тармоқларини ташкил этувчи иқтисодчилар, олим агрономлар, зоотехниклар, ўрмон ва боғ-қиёбон хўжалиги муҳандисларини тайёрлайди. Мутахассислар жамоа ва совет хўжаликларида, ўрмон ва кўкаламзорлаштириш ташкилотларига, чорвачилик комплексларида, илмий-текшириш олийгоҳларида агросаноат қўмиталарининг турли соҳаларида ишлашлари мумкин.

Аризалар қуйидаги ҳужжатлар билан 25 июндан 15 июлгача қабул қилинади: ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асл нусхаси), 3х4 см. ҳажмдаги олти дона фотосурат, 086/У андозадаги тиббий шаҳодатнома, охирги иш ёки ўқиш жойидан корхона, ташкилот ёки муассаса муҳри билан маъмурият томонидан тасдиқланган тавсифнома ҳамда меҳнат дафтарчасидан кўчирма.

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқаси ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Кириш имтиҳонлари ва ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Кирувчилар танлаган мутахассисликлари бўйича қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:

бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолиятининг таҳлили, агросаноат комплекслари тармоқларини бошқариш ва унинг иқтисоди, ўрмон ва боғ-кўкаламзорлаштириш хўжаликлари мутахассисликларини танлаганлар: математика (ёзма), биология (оғзаки), ўзбек (рус) тили ва адабиётидан (ёзма);

агрохимия ва тупроқшунослик, агрономия, мева-сабзавотчилик ва узумчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ипакчилик, қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилиги ва уларнинг ирсий ҳамда зоотехния мутахассисликларини танлаганлар: кимё (ёзма), биология (оғзаки), ўзбек (рус) тили ва адабиётидан (ёзма).

Ўрта мактабни олтин (кумуш) медаль билан ўрта махсус ўқув ва ўрта ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан битирганлар танлаган мутахассисликлари бўйича қуйидаги битта фандан имтиҳон топширадилар:

бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолиятининг таҳлили, агросаноат комплекслари тармоқларини бошқариш ва унинг иқтисоди, ўрмон ва боғ-кўкаламзорлаштириш мутахассисликларини танлаганлар — математика (ёзма), қолган барча мутахассисликларни танлаганлар кимёдан (ёзма) имтиҳон топширадилар. Бу фанлардан «аъло» баҳо олган абитуриентлар бошқа имтиҳонлардан озод қилинадилар, «тўрт» ёки «уч» баҳо олган тақдирда кейинги имтиҳонларни топширадилар.

Имтиҳонлар 16-31 июль кунлари ўтади. Талабаликка қабул қилиш 5 августгача ўтказилади. Имтиҳонларда олинган баҳоларнинг йиғиндиси бўйича танлов бўлади.

Кириш имтиҳонларидан ижобий баҳо олган қуйидаги абитуриентлар олийгоҳга танловсиз қабул қилинадилар:

ҳарбий хизматни ўтаб, запасга бўшатилган ва давлат имтиёзларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлганлар;

болалар уйлари ва мактаб-интернатларида тарбияланган ота-онасиз ёшлар.

Кириш имтиҳонларини топшириш учун иш жойидан иш ҳақи сақланмаган ҳолда 15 кун (олийгоҳга келиб-кетиш вақти бу ҳисобга кирмайди) **қўшимча меҳнат истироҳати берилади.**

Бизнинг манзилгоҳимиз: 700183, Тошкент шаҳри, Тошкент қишлоқ хўжалиги олийгоҳи (19, 83, 96, 112, 165, 167, 491-автобуслар; 10, 15, 28, 152, 153-маршрутли таксиларнинг «Тошкент қишлоқ хўжалиги олийгоҳи» бекати).

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси коллективи рўзноманинг Сурхондарё области бўйича ўз мухбири Н. Ҳайитқуловга отаси

Ҳайитқул Қурбонович ҚУРБОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети раҳбарияти ва Олий Совет Секретариатининг жамоат ташкилотлари аппарат масъул ходими М. М. Миролимова онаси

Саодат МИРОЛИМОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Р. — 02341. № 124. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12